

СЕН – ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ,
ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!КАРАНТИН ТАЛАБЛАРИ ЮМШАТИЛИШИ
ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТНИНГ ОШИШИНИ
ТАҚОЗО ЭТАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 17 август куни хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга муносиб шарт-шароитлар яратиш ва улар билан тизимли ишлаш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазиятга тўхталиб ўтди.

Жумладан, июль ва август ойларида коронавирусга қарши кураш бўйича ишлар кескин кучайтирилгани натижасида унга чалинганларга нисбатан соғайганлар сони анча ортгани қайд этилди. Хусусан, охириги 5 кунда тузалиб чиққанлар улуши 77 фоиздан 87 фоизга ошди. Даволанаётганлар сони 7 минг нафардан 4 мингга тушди.

Бунинг ортида, албатта, шифокорларимизнинг машаққатли меҳнати ётибди.

— Такрор ва такрор айтаман: ҳар бир фуқаронинг соғлиғи ва ҳаёти биз учун муҳим. Биз халқимизни корона-

вирус балосидан асраб қолиш учун барча куч-имкониятларни ишга сола-япмиз, жаҳондаги энг илғор даволаш тажрибаларини олиб келаяпмиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Яқин кунларда Россиядан қирққа яқин, Хитойдан ўн нафар юқори малакали мутахассис етиб келгани, уларни ҳудудларга тақсимлаб, жойларда беморларни энг самарали усуллар билан даволаш ва маҳаллий шифокорларни ҳам ўргатиш ишлари ташкил қилиниши таъкидланди.

Халқимиз ортқича қийналмаслиги учун, фуқароларимизнинг муурожаатларидан келиб чиқиб карантин талаблари юмшатишга, лекин энди аҳоли жамоат жойларида кўпроқ бўлиши сабабли COVID-19 тарқалиши хавфи сезиларли даражада ошиши ҳам эслатиб ўтилди.

Шу боис, одамларга янада масъулиятли бўлиб, ўзларини ва яқинла-

рини вирусдан ҳимоя қилиш бўйича талабларга қатъий амал қилишлари кераклигини тушунтириш, амалий ёрдам бериш ва назорат қилиш лозимлиги айтилди.

— “Темир интизом” ҳаммамиз учун энг биринчи масала бўлиб қолиши керак. Корхоналар, ташкилотлар, қишлоқ хўжалиги соҳаси ва қурилиш майдонлари, транспорт ва жамоат жойларида ҳам ушбу талабларга қатъий амал қилиш зарур, — дея таъкидлади Президент.

Барча даражадаги ҳокимлар, секторлар, соғлиқни сақлаш, маҳалла, ички ишлар ва бошқа тизимлар раҳбарлари тегишли ҳудудлар ва соҳаларда коронавирус билан боғлиқ вазиятга шахсан масъул ва жавобгар бўлишлари белгиланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИНГ
ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Хоразм вилоятининг мавжуд санат ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил қилиш, ҳудудга инвестицияларни кенг жалб этиш ва инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда бу орқали тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:
“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖнинг “NBU Invest Group” МЧЖ, “Ўз-санотқурилишбанк” АТБнинг “PSB Capital” МЧЖ ҳамда “Асака” АТБнинг “Asaka Capital Invest” МЧЖ инвестиция компаниялари таъсисчилигида

“Khorezm Invest Project” МЧЖ инвестиция компанияси (кейинги ўринларда — инвестиция компанияси) ташкил этилганлиги;

Хоразм вилоятидаги инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш, лойиҳаларни амалга оширишга маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилиш инвестиция компаниясининг асосий вазифаси этиб белгиланганлиги;

инвестиция компаниясининг устав фонди дастлаб 30 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридида шакллантирилганлиги, кейинчалик инвестиция компаниясининг устав фонди инвестиция компанияси таъсисчиларининг қўшимча ҳиссалари ва (ёки) жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар-

нинг ҳиссалари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан 100 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоригача кўпайтирилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Хоразм вилоятида 2020-2022 йилларда амалга ошириладиган умумий қиймати 2,2 триллион сўмлик 84 та инвестиция лойиҳасининг манзилли рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Хоразм вилоятида амалга ошириладиган умумий қиймати 516,8 миллион долларлик 26 та истиқболли инвестиция лойиҳасининг рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давоми 2-бетда

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига

ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИГА ҲАР
ТОМОНЛАМА КЎМАК БЕРИШ

инкироз оқибатида юзага келган ўта мураккаб вазиятда ҳам изчил давом этади

Сўнгги йилларда томорқачиликда ўзига хос мактаб яратиб, яхши даромад топаётган минглаб оилалар фаровон ҳаёт кечирмоқда. Кўллаб кишилар кафтдек ердан самарали фойдаланиб, оиласини ҳам, бозорни ҳам арзон ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминламоқда.

Бир пайтлар томорқасида етиштирган маҳсулотини сотаман деб қўлга кишан солинганлар қанча эди. Оила даромади деган тушунчалар йўқ эди. Мустақиллик туфайли ўз эркимизга, ўз еримизга эга бўлдик.

Давоми 3-бетда

Эксклюзив интервью

МЕҲНАТ МУҲОЖИРЛАРИ УЧУН
ЯНГИЧА ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ

Президентимиз 17 август куни хорижда меҳнат қилаётган Ўзбекистон фуқароларига муносиб шарт-шароитлар яратиш ва улар билан тизимли ишлаш юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказди. Унда чет элларда ишлаётган ватандошларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий, моддий ва маданий кўллаб-қувватлаш масалалари атрофича муҳокама қилинди. Бу борада белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича тегишли ташкилотларнинг мутасадди раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.



Нозим ҲУСАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири:

Таъкидлаш жоизки, ушбу масала Ўзбекистон тарихида биринчи мартаба бундай форматда муҳокама қилинмоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили 600-700 минг аҳоли меҳнат бозорига кириб келади. Иқтисодиёт тармоқларини ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича кўрилатган чоралар натижасида йилига 500 минггача иш ўрни яратилмоқда. Шунинг учун, қарийб 200 минг кишининг бандлигини ташки меҳнат миграцияси орқали таъминлашга тўғри келмоқда. Бу табиий жараён, барча ривожланаётган давлатлар шундай босқичдан ўтган. Қарерда меҳнат миграцияси тўғри ташкил этилган бўлса, бандлик, оилалар даромади, малакали мутахассислар кўпайган.

Кейинги йилларда хориждаги ватандошларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шароитларини яхшилашга эътибор кучайди. Россия, Қозғоғистон, Туркия, Япония ва Бирлашган Араб Амириклари билан меҳнат миграцияси борасида халқаро шартномалар имзоланди. Чет элларда ишлаётган фуқароларни кўллаб-қувватлаш учун алоҳида жамғарма ташкил этилиб, 100 миллиард сўмдан ортққ маблағ ажратилди. Шу билан бирга, ташқи меҳнат миграция масалалари бўйича Бош вазир маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Шунга қарамай, ечимини кутаётган муаммолар ҳали кўп.

Йиғилишда хорижда меҳнат қилаётган юртдошларимизни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий ва маданий кўллаб-қувватлаш масалалари атрофича муҳокама қилинди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда ҳокимликларга чет элдан қайтган фуқароларга касби, малакаси ва режасидан келиб чиқиб, иш топишга кўмаклашиш бўйича топшириқлар берилди.

Хорижда ўзбекистонликлар муносиб шароитларда меҳнат қилиши учун йирик иш берувчи компаниялар билан алоқаларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Бунинг учун, аввало, ўша корхоналар талабига мос малакага эга ва тил билладиган мутахассислар тайёрлаш зарур.

Шу боис бу борада янги тизим жорий этилиши белгиланди. Яъни, ҳудудлардаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги филиалларининг ваколатлари кенгайтирилиб, уларга хорижий иш берувчилар билан бевосита шартнома тузиш, миграция хизматлари билан музокаралар ўтказиш ҳуқуқи

берилади. Бу филиаллар раҳбарлари вилоят ҳокимининг ёрдамчиси ҳисобланади.

Мутасаддиларга хорижий давлатлардаги йирик иш берувчилар билан музокара ўтказиб, ишчи ва мутахассислар юборишни кўпайтириш, меҳнат мигрантларига йўл ҳақи, патент ва сўғурта харажатлари учун 10 миллион сўмгача паст ставкада кредитлар ажратиш бўйича курсатмалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 11 августда қабул қилинган қарориди аҳолини меҳнат бозоридида талаб юқори бўлган касблар, тадбиркорлик асослари ва хорижий тилларга ўқитиш чора-тадбирлари белгиланган эди. Йиғилишда мазкур қарорнинг амалий жиҳатларига тўхталиб ўтилди. Жумладан, чет элда ишлашни истаган фуқароларнинг малакасини ошириш, бунинг учун касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, махсус курслар ва моно-марказлар ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. Бу масканлардаги ўқув дастурлари, малака кўникмаларини хорижий иш берувчиларнинг талабига мослаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Меҳнат мигрантлари ҳаёти ва соғлиғини сугурталаш учун Хориждаги фуқароларни ҳимоя қилиш жамғармасидан маблағ ажратиш бўйича курсатма берилди.

Шунингдек, чет эллардаги меҳнат миграциясига оид тартиб-таомилларни фуқароларимиз учун енгиллаштириш, юртдошларимиз кўп ишлайдиган шаҳарларда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ваколатхоналарини очиб бўйича топшириқлар берилди. Хориждаги фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, бу бўйича онлайн платформа ва “кол-марказ” ташкил этиб, малакали адвокатларни жалб қилиш вазифалари қўйилди.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз элчионалари ўзга давлатлардаги ватандошларимиз диаспоралари билан алоқаларни мустаҳкамлаш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Юртпарварлик, меҳр-оқибат ҳисси билан хориждаги фуқароларимизга ёрдам бериб келаётган шахсларни эътироф этиш, давлат муқофотлари билан тақдирлаш бўйича тақдирлар билдирилди.

Чет элда меҳнат қилаётганларни ватани билан боғлаб турадиган энг катта восита маданий эканини инобатга олиб, улар учун шундай тадбирларни кўпайтириш бўйича курсатмалар берилди. Шунингдек, телевидениеда Ўзбекистон элчионалари ва консулликларининг халқ хизматидида

фаолиятини кенг ёритиб бориш тавсия этилди.

Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлигига ҳокимликлар билан бирга хорижда ишлашга кетган юртдошларнинг оиласидан доимий хабар олиб, ота-онасининг соғлиғи, фарзандларининг ўқиши ва бошқа эҳтиёжларига кўмаклашиш вазифаси қўйилди.

Хорижда ишлаб, малака орттириб қайтган фуқароларнинг тадбиркорлик ташаббусларини кўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда улар билан манзилли ишлайдиган, молиявий кўллаб-қувватлайдиган тизим яратилиши белгиланди.

Бунинг учун сектор раҳбарлари, меҳнат ва маҳалла идоралари вакиллари ўз ҳудудидидаги шундай ташаббускорлар рўйхатини шакллантириб, уларнинг бизнес лойиҳаси билан танишади. Рўйхатдан ўтишга кўмаклашиб, 3 ойгача ижара тўловлари бўйича субсидия берилади. Шунингдек, тадбиркорликни бошлаш учун кредит ресурслари ажратилади ҳамда банк кредитлари таъминоти бўйича сўғурта полиси харажатларининг бир қисми қоплаб берилади. Бу мақсадларга Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан йил якунига қадар 25 миллиард сўм, кредитлар учун 100 миллиард сўм ажратилади.

Яна бир масала — хорижда ишлаётган фуқароларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш тизимида атиги 4,5 минг нафар киши рўйхатга олинган. Шу боис мутасаддиларга ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш ва меҳнат стажини ҳисоблаш тизимини мигрантлар учун ҳам татбиқ этиш бўйича курсатма берилди.

Бош вазир ўринбосарларига ташкиллашган миграция бўйича иқтисодий, молиявий ва ташкилий-ҳуқуқий кўмак тизимини жорий этиш юзасидан алоҳида дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Унда мамлакатимизда касб ва тилга ўргатиш, хорижда ишлаш кўникмаларини шакллантириш, йўлқира, патент, сўғурта, пенсия ва кредит масалалари қамраб олинди. Шунингдек, ҳукуматлараро комиссиялар доирасида хориждаги юртдошларимизга муносиб шароит яратиш, чет элдаги банклар орқали уларни кредитлаш механизмлари назарда тутилди.

Йиғилишда белгиланган устувор вазифалар юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимлари, элчилар ахборот берди.

ЎЗА

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

3. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш маркази:

уч ой муддатда қарорнинг 2-илувасидаги **истикболли 26 та ийрик инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаларини** халқаро стандартлар асосида **ишлаб чиқсин**;

Хоразм вилоятининг туман ва шаҳарларига белгиланган тартибда бириктирилган Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда истиқболли инвестиция лойиҳаларига хорижий инвестициялар жалб қилинишини таъминласин;

Хоразм вилояти ҳокимлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, тегишли тармоқ корхоналари билан биргаликда 2021 йил 1 апрелга қадар истиқболли 26 та ийрик инвестиция лойиҳаси билан бир вақтда Хоразм вилоятининг ҳар бир туманида қўшимча янги sanoat ишлаб чиқариш лойиҳалари ишга туширилишини таъминласин.

4. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва Хоразм вилояти ҳокимлигининг:

“Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонасининг қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган бўш турган ер участкалари ҳисобидан кенгайтирилаётган ҳудудларини 3-иловага мувофиқ тасдиқласин;

“Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонасининг кенгайтирилган ҳудудлари бош режасини ишлаб чиқиш, шунингдек, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК” давлат унитар корхонасини буюртмачи этиб белгилаш;

“Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонасининг бош режасини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳа ташкилотини танлов асосида танлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

5. “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонасига Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари 4-иловага мувофиқ бириктирилсин.

Мазкур қарорнинг 4-илувасига мувофиқ “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонасининг бўш ер майдонларига бириктирилган Ўзбекистон Республикасининг Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Греция, Франция, Испания, Италия, Латвия, Польша ва Туркия давлатларидаги элчихоналари Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда **икки ой муддатда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонасида янги инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш чораларини кўрсин**.

6. Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмасдан **Инфратузилма жамғармаси ташкил этилсин** ва қуйидагилар **Жамғарма** маблағларини шакллантириш маънаси этиб белгилансин:

давлат, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;

юрдик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари томонидан ажратилган грант ва кредит маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилансинки, **Инфратузилма жамғармаси маблағлари “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонасининг кенгайтирилган ҳудудларида инфратузилма қурилишини молиялаштиришга йўналтирилади**.

7. Савдо-саноат палатаси, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги тижорат банклари билан биргаликда **икки ҳафта муддатда** Хоразм вилоятдаги тадбиркорлик йўналишлари бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқсин ва ушбу лойиҳаларни амалга оширишни тадбиркорларга таклиф этсин.

8. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва “Ўзбекистон темир йўллари”АЖ **2020 йил 1 сентябрдан бошлаб экспорт қатновларда Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳри ўртасида экспорт қилувчиларга темир йўл юк қатнови тарифларига 50 фоиз чегирма жорий этсин**.

9. Хоразм вилояти ҳокимлиги:

а) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонасининг кенгайтирилган ҳудудларида замонавий рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган ишлаб чиқариш қувватларини босқичма-босқич жойлаштириш чораларини кўрсин;

б) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари билан биргаликда **икки ой муддатда**:

Хоразм вилояти иқтисодиётининг эҳтиёжлари, шунингдек, mavjud минерал-ҳомашё, қишлоқ хўжалиги ресурслари ва инфратузилмани инobatта олган ҳолда, “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида замонавий рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш бўйича манзилли

Ҳеч кимга сир эмаски, кимё ва биология йўналишлари ривожини амалиётсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки илмий янгиликлар, кашфиётлар амалий машғулотлар, лаборатория синовлари жараёнида юзага келади. Назарий билимларни амалиётда қўллаш янги ғоя ва кашфиётларга йўл очади. Бу амалий машғулотлар билан чамбарчас боғлиқ.

Эксклюзив интервью

МЕҲНАТ МУҲОЖИРЛАРИ УЧУН ЯНГИЧА ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, чет элда ишлаш истагидаги фуқароларга хавфсиз йўлқира харажатларини қоплаб бериш, билетлар харид қилишда турли чегирма, субсидиялар ажратиш каби молиявий кўмаклар кўрсатилади.

Шунингдек, 1,5 миллион нафардан ортиқ фуқаромиз Россия Федерациясида фаолият юритишини ҳисобга олиб, уларнинг патент олиш жараёнини қулайлаштириш ҳам кўзда тутилган. Айни пайтда патент учун талаб этиладиган 6 та ҳужжатдан сугурта, рус тилини ўрганиш бўйича имтиҳон топшириш сингари жараёнлар юртимизда ташкил этилган. Эндликда, фуқароларимизга бу борада янада қулайлик яратиш мақсадида Россия Федерациясидаги масъул идоралар билан келишилган ҳолда, шу йил якунига қадар патент учун керакли ҳужжатларни максимал даражада Ўзбекистон ҳудудида тайёрлаш бўйича вазифалар белгиланди.



Фарҳод АРЗИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари:

— Йўғилишда Президентимиз томонидан барча тегишли вазирликларга, хусусан, Ташқи ишлар вазирлиги олдида аниқ масалалар қўйилди. Албатта, биз бугун ташқи меҳнат миграцияси борасида қиладиган ишларимиз ҳали жуда кўпчилиги яна бир қарра теран англаб олдик. Меҳнат муҳожир бўлиб юрган

Бугуннинг гапи



МАМЛАКАТГА ИҚТИДОРЛИ БИОЛОГ ВА КИМЁГАРЛАР ЖУДА КЕРАК

Ҳайит Тўраев, Термиз давлат университети факультети декани, кимё фанлари доктори, профессор

Шахло ҒАФФОРОВА, Термиз давлат университети таянч докторанти

Сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим тизимининг барча бўғинини такомиллаштириш, ўқув жараёнига халқаро стандартларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу беҳиз эмас, албатта. Дунёни ақл-идрок, тафаккур бошқариётган ҳозирги замонда малакали ва етук кадрлар тайёрлаш масаласи биринчи ўринда турибди.

Ҳозирги тараққиёт ва тезкор асрда дунё ёшларидан ортида қолиш имкониятни кўлдан бўй бериш билан баравар. Ўзбек ёшлари улар билан билим борасида тенгла-тен рақобатга кириша олмас экан, ривожланишдан анча ортида қолиб кетиши мумкин.

Шу боис, таълим жараёнига ривожланган мамлакатларнинг илгор тажрибасини жорий этишга қаратилган қўллаб-қувватлов қарорлар қабул қилинмоқда. Президентимиз томонидан имзоланган “Кимё ва биология йўналишларида улутқис таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ана шундай мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Меъёрий ҳужжатнинг асосий жиҳати шундаки, у келгуси авлод вакилларининг сифатли билим олишига, кимё ва биология фанларини ўқитиш самарадорлигини ошириш, мазкур йўналишларда таҳсил олаётган ёшларнинг етук мутахассис бўлиб етишиши учун қулай шарт-шароит яратиш, соҳа мутахассисларини рағбатлантиришга қаратилган.

Мазкур йўналишларга юксак эътибор қаратилаётгани беҳиз эмас. Чунки кимё ва биологиянинг иқтисодиётда, умуман, мамлакат тараққиётида тутган ўрни беҳиёс. Уларнинг ривожини ҳудудларда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, юқори қўшилган қиймат яратадиган фармацевтика, нефть, газ, кимё, тоғ-қон, озик-овқат sanoati тармоқларини жадал юксалтиришга хизмат қилади. Шу маънода, мазкур қарорни ҳар икки йўналиш келажаги учун қўйилган навбатдаги мустаҳкам қадам, десак муболаға бўлмайди.

Қарорда таъкидланганидек, умумтаълим мактабларидаги кимё ва биология фанларини ўқитиш сифати бугунги давр талабларига жавоб бермайди, ўқитиш методологияси ва

лабораториялар маънан эскирган, ўқитувчиларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш механизмлари жорий қилинмаган.

Ҳужжатда республикамизнинг ҳар бир ҳудудида кимё ва биология фанларига ихтисослаштирилган 14 та таянч ихтисослаштирилган мактабни босқичма-босқич ташкил этиш, бу жараёнда Абу Али ибн Сино номидagi ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернатини ушбу мактаблар мақомига мослаштириш белгилангани шу йўлдаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, малакали мутахассисларни шакллантириш, пировардида соҳани ривожлантириш имконини беради.

Президентимиз соҳани ривожлантириш, аввало, унинг қўйи тизимидан бошлаш кераклигига уруғ қаратмоқда. Буни оддий мисол билан изоҳласак: дарахтининг қандай ўсиб униши, ҳосил бериши унинг қўчат пайтда қандай парваришланганига боғлиқ бўлгани каби соҳанинг ривожини, гуллаб-яшнашини унинг таянч бўғинини мустаҳкамлаш, замон талабларига мослаштиришга боғлиқ.

Қарорда олий таълим муассасалари кафедралари бириктирилган таянч ихтисослаштирилган ва ихтисослаштирилган мактабларда ўқув жараёнини самарали ташкил этиш, профессор-ўқитувчиларни ва иқтидорли талабаларни таълим жараёнига жалб этиш, маҳорат дарслари, тўғараклар ва ёзги мактаблар ташкил этиш зарурлиги белгиланган.

Бу ихтисослаштирилган мактабларда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг олий таълим даражасида малакали ўқитувчилардан билим олиш, мавзуларни чуқурроқ ўзлаштириш, маҳоратини ошириш имконини беради.

Қарорга биноан, умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида табиий фанлар ўқув дастурларида амалий машғулотларнинг улушини кўпайтириш чораларининг қўрилиши белгилангани ҳам эътиборга молик.

Ҳеч кимга сир эмаски, кимё ва биология йўналишлари ривожини амалиётсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки илмий янгиликлар, кашфиётлар амалий машғулотлар, лаборатория синовлари жараёнида юзага келади. Назарий билимларни амалиётда қўллаш янги ғоя ва кашфиётларга йўл очади. Бу амалий машғулотлар билан чамбарчас боғлиқ.

Рағбат инсонни янги марралар сари ундайди. Ўз устида янада кўпроқ ишлаб, самарали меҳнат қилиш, юксак натижаларга эришишга замин яратади. Ана шу жиҳатлар қарорда инobatта олинган. Ўтказилган баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб, ихтисослаштирилган ва таянч ихтисослаштирилган мактабларга қабул қилинган кимё ва биология фани ўқитувчилари ҳамда раҳбар кадрлари(директор ва директорнинг ихтисослаштирилган фан бўйича ўринбосари)нинг базавий тариф ставкаси нисбатан амалда белгиланган устама ҳақи миқдори 2021 йил 1 январдан бошлаб 50

фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш учун ҳуқуқий механизмларни шакллантириш, улар билан мунтазам мулоқот ўрнатиш, ҳолидан хабар олиш, бундан ташқари, элчихоналаримиз билан биргаликда меҳнат мигранти мақомидagi фуқароларимизнинг электрон базасини шакллантириш, уларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш олдимиздаги асосий вазифалардан ҳисобланади.

Яна бир муҳим йўналиш муҳтарам Президентимиз томонидан белгилаб берилди. Бу салоҳиятли ватандошларимизнинг имкониятларидан фойдаланишдир. Ўзбекистоннинг тараққиётига у ёки бу маънода хизмат қила оладиган салоҳиятли инвестор ёки хориждаги нуфузли илм масканларида ишлаётган профессорлар, халқаро ташкилотларда ишлаётган ватандошларимиз бўладими, уларни мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшишга жалб қилиш, бу борада ҳам ишларни тизимли тарзда йўлга қўйиб, зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, ушбу йўналишдаги илгор хорижий тажрибани ўрганиб, Ўзбекистон шароитида қўллаш бўйича ҳам аниқ топшириқлар берилди. Биз бу топшириқларнинг ижросини, албатта, таъминлаймиз.

фоизгача оширилиши назарда тутилган.

Қарорда кимё ва биология фанларидан билимларни баҳолаш бўйича миллий сертификатлаш тизимини жорий қилиш, кимё ёки биология фанларини билиш даражасини аниқлаш ва бу бўйича Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда миллий малака сертификатлари берилиши назарда тутилгани яна бир янгилик бўлди.

Бу олий ўқув юртига ўқишга кирмоқчи бўлган ўқувчиларга имтиёз беради. Миллий сертификатга эга умумтаълим мактаби, академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчилари давлат олий таълим муассасаларига ўқишга киришда кимё ёки биология фанидан тест синовини топширишдан озод этилди ҳамда уларга тегишлилигига кўра кимё ёки биология фани учун белгиланган максимал балл берилади. Бу ёшлар учун катта имконият дегани.

Меъёрий ҳужжатда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академияси ҳамкорлигида 2021 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир маротаба олий таълим муассасалари талабалари ўртасида кимё ва биология фанлари бўйича Абу Райҳон Беруний номидagi халқаро фан олимпиадасини ўтказиш белгиланмоқда. Халқаро олимпиадалар гоилиларини бир марталик мукофотлаш ҳамда тегишли мутахассисликлар бўйича олий таълим муассасалари магистратурасига давлат гранти асосида имтиҳонсиз ўқишга қабул қилиш тизими жорий этилиши назарда тутилган.

Бундай халқаро фан олимпиадаларининг ташкил этилиши йўналишлари бўйича таҳсил олаётган талабаларни ўз устида янада кўпроқ ишлаш, илмий янгиликларга ундаши аниқ. Қолаверса, меҳнати самара бериб, танлов голибига айланган талабалар учун эса магистратура эшикларини очилади. Бу халқаро олимпиада ҳар жиҳатдан самарали беришини аниглайди.

Яна бир эътиборли жиҳат шуки, қарорда олий таълим муассасаларининг кимё ва биология таълим йўналишлари бўйича имтиёзли дипломга эга бўлган битирувчилари мазкур олий таълим муассасаларининг магистратура мутахассислигига қўшимча имтиҳонларсиз тўлов-контракт асосида қабул қилиниши, олий таълим муассасаларининг кимё ва биология мутахассислигини аъло баҳолар билан таъмуллаган магистрларни таянч докторантурага олий таълим муассасаларининг кенгаши қарори асосида имтиҳонларсиз, тўғридан-тўғри, квота доирасида қабул қилиш тартиби жорий қилиниши ҳам белгиланган.

Бу билимли ва иқтидорли талабаларга таълимни навбатдаги босқичларда имтиёзли давом эттириш, ўз билим ва салоҳиятини янада ривожлантириш, пировардида етук кадрлар захирасини шакллантириш учун замин ҳозирлайди.

Мухтасар айтганда, мазкур қарор кимё ва биология фанларини ўқитиш сифатини ошириш, малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган.

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига



ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИГА ҲАР ТОМОНЛАМА КЎМАК БЕРИШ

инкироз оқибатида юзага келган ўта мураккаб вазиятда ҳам изчил давом этади

Бошланиш 1-бетда

Жаҳондаги карантин чоралари сабаб дунёда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб кескин ортди. Натижада кўплаб мамлакатлар озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини чеклаб қўймоқда. Шу туфайли ҳам БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар пандемия шароитида озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни тақсимлаш бўйича ёндашувни мутлақо ўзгартириш зарурлигини таъкидламоқда.

Пандемия даврида мамлакатимизда ҳам озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, қондиришга долзарб масалалардан бири сифатида қаралмоқда. Аҳоли даромадини кўпайтириш муҳим мезон бўлмоқда.

Қайд этиш жоизки, юртимизда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички талабни тўлиқ таъминлаш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ошириш учун катта заҳира ва имкониятлар мавжуд.

Мухбиримиз мамлакатимизда томорқачиликни ривожлантириш, бу борада яратилаётган шароит ва имкониятлар, соҳада амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги истиқболдаги вазифалар юзасидан Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Актам ҲАЙТОВ билан суҳбатда бўлди.

— Охириги йилларда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш бўйича Президентимиз ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан соҳа ривожига қаратилган қатор қарорлар қабул қилинди ва бу ҳужжатлар ижроси изчиллик билан амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, айрим қонунларга ўзгартишлар киритилди. — дейди А.Ҳайтов. — Масалан, маҳалла фуқаролар йиғинларидан томорқа билан шуғулланадиган алоҳида ўринбосар лавозими жорий этилди. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳудудий бўлинмалари ҳузурида аҳолига уруғлик ва қўчат етказиб бериш, хизматлар қўрсатиш бўйича “Томорқа хизмати” МЧЖ корхоналари фаолияти йўлга қўйилди.

Кенгаш ҳузурида Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини кўплаб-қувватлаш жамғармаси иш бошлади. Жамғармага ажратилган маблағ бугунги кунда, асосан, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини молиявий кўплаб-қувватлашга, улар фаолиятини янада ривожлантириш, кредит ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш ва томорқа ер эгаларининг инновацион фаолиятига кўмаклашиш, янги турдаги қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари етиштиришни рағбатлантириш, мамлакат қишлоқ хўжалиғига янги самарали технологияларни жорий этишга сарфланмоқда.

Хусусан, 2020 йилда экин экиш, ихчам иссиқхоналар қуриш, паррандачилик, чорвачилик ва бошқа йўналишлар учун 58,6 миллиард сўм ва сув таъминоти оғир жойларда сугориш қудуқлари қазичи учун 16,8 миллиард сўм ажратилиши фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгаларига кўшимча молиявий мадад, уларни машаққатли даврда кўплаб-қувватлаш намунаси бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан кўплаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчлиги юзага келиши мумкин бўлган шароитда қишлоқ хўжалигидаги мавжуд ресурслар ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, озиқ-овқат экинларини икки баробар кўпайтириш, озиқро ҳосил олиш, қишлоқ хўжалиғи соҳасида янги иш ўринларини яратиш ва манфаатдорликни ошириш борасида замонавий ёндашувларни жорий этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қарор билан ер ости сувлари заҳираларидан фойдаланиш орқали экин экилмай қолаётган мавжуд ер майдонларини ўзлаштириш ишларига давлат кўмаги берилиши кўплаб томорқа ер эгалари учун катта имкониятлар эшигини очди.

Бир сўз билан айтганда, аҳолига кўмаклашадиган, моддий ресурсларни етказиб берадиган ва молиялаштирадиган, олдин бўлмаган янги тизим яратилди.

Бундай вазиятда ўзимизда мавжуд имкониятларни ишга солиш, шу жумладан, аҳоли ихтиёридаги томорқалардан унумли фойдаланиш учун зарур шарт- шароитлар яратиш, яъни сув, зарур маблағ, уруғлар, кимёвий ўғитлар, ёқилғи ва бошқа зарур материаллар билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Томорқа ободлиги, албатта, сувга боглик. Ана шу мақсадда ўтган йили жойларда 233 та қудуқ қазилиб, 4,5 мингдан ортиқ хонадондаги томорқанинг сув таъминоти яхшиланди. Жорий йилда кенгаш ҳузуридаги жамғармадан 85,1 миллиард

Бу йил қанчалик оғир ва синовли келганига қарамай, карантин талабларига қатъий амал қилган ҳолда, 4,5 миллион аҳоли томорқасидаги 432 минг гектар ер майдонларида экинлар экилиши тўлиқ таъминланди.

Бу йил қанчалик оғир ва синовли келганига қарамай, карантин талабларига қатъий амал қилган ҳолда, 4,5 миллион аҳоли томорқасидаги 432 минг гектар ер майдонларида экинлар экилиши тўлиқ таъминланди.

ватлаш имкониятлари мавжуд.

Ўзбекистон Президентининг 2020 йилнинг 30 июндаги “Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Қарорда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини кўплаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан аҳоли томорқаларида етиштирилган қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини сақлаш учун 20-30 тонналик кичик ҳажмли совутичлар барпо этишга кредит ажратилиши белгиланган.

Ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар ва кенгашимиз ҳамкорлигида ҳудудларда кичик ҳажмли совутичлар қуришга бўлган дастлабки талаблар ўрганилди. Ўрганишлар жарёнида жорий йилда 642 та маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳар бирида биттадан кичик сигимли совутичлар қуриш зарурлиги аниқланди.

Вилоят ҳокимликлари томонидан тасдиқланган манзилли дастурга кўра қурилиши мўлжалланган кичик сигимли совутичларнинг умумий сигими 17 минг 313 тоннани, талаб этиладиган маблағ миқдори 42 106 миллион сўмини ташкил этади. Айни кунларда бу борадаги амалий ишлар бошлаб юборилди.

— **Томорқачиликни янада ривожлантириш борасида келгусида қандай ишлар амалга оширилиши режалаштирилмоқда?**

— Эришилган ютуқлар билан бир қаторда зудлик билан амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ҳам бор. Жумладан, аҳоли томорқаларида маҳсулот етиштиришни янада кўпайтириш мақсадида 2020 йил 15 декабрғача 25 та туманда 270 минг хонадонни қамраб олган ҳолда “Томорқа хизмати” кластерлари ташкил этиш белгиланган. Уларда 16 гектар қўчатчилик иссиқхонаси, сигими 6 тонна тонна бўлган совутички омбор, 90 минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш ва қуритиш линияси, сигими 22 минг тонна бўлган сутни қабул қилиш омбори, 37 минг тонна омикта ем ишлаб чиқариш қувватлари бўлади, инкубаторда 12 миллион дона қўжа оччириб, аҳолига тарқатиш имконияти яратилди.

Шунингдек, 1 210 та маҳаллада енгил конструкцияли дала дўконлари ва кичик ҳажмли музлаткич омборлар қурилади. Аҳолига маҳсулотлар арзон нархда “даладан дўконгача” тамойили асосида етказиб берилди.

Айни кунларда 57,1 минг гектар ва ноябрь-декабрь ойларида 105,2 минг гектар томорқага тўқсонбости усулида сабзавотлар экиш чора-тадбирлари қурилмоқда. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини кўплаб-қувватлаш жамғармасидан иккинчи ярим йилликда 187 миллиард сўм маблағ, биринчи навбатда, 25 та томорқа хизмати кластери, кооперативлар ва томорқа хизмати корхоналарини кўплаб-қувватлашга, ихчам иссиқхоналар қуришга йўналтирилди.

Шунингдек, жорий йил якунига қадар Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари ҳузуридаги Ахборот-маслаҳат марказлари (Extension center) ҳамда In-vitro лабораторияси томонидан ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиғи экинларининг уруғлари ва қўчатларини тайёрлаш, етказиб бериш, ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш ҳамда етиштириш агро-техникаси, қайта хўжалиғи маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш юзасидан маслаҳат ва тавсиялар бериш бўйича хизматлар шартнома асосида ташкил этилиши белгиланган.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатда томорқа хўжалигини самарали фойдаланиш рағбатлантиришда қаратилган ҳукукий ҳужжатларда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига молиявий кўмак бериш, уларга зарур маблағни имтиёзли ва улар учун қўлай шартларда ажратишга ҳам эътибор қаратилган.

Кооперативга аъзо бўлган ишсиз фуқароларга Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги жамғармасидан маҳсулот етиштириш харажатлари учун 24 миллиард сўм субсидия ажратилди. Кам таъминланган, қаровчиси бўлмаган оила-ларга мевали қўчатлар, сабзавот уруғлари ва бошқа моддий ресурслар етказиб берилди.

Инкироз оқибатида юзага келган ўта мураккаб вазият, дунё бозорларида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ошиб бораётган бир шароитда томорқа ер эгаларини ҳар томонлама кўплаб-қувватлаш бундан кейин ҳам изчил давом эттирилаверади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Лутфулла СУВОНОВ
суҳбатлашди.

Диққат, янги тажриба!

БИЙДАЙ ДАЛАЛАРНИНГ ОЛТИНГА ТЕНГ ИНЪОМИ

Ўзор туманида амалга оширилаётган янги лойиҳа тўрт юздан ортиқ хилдаги маҳсулотлар тайёрлаш ва 2 730 кишини доимий иш билан таъминлаш имконини беради

“Фермер далага режа учун эмас, даромад учун кириши керак. Соя экилса, битта майдондан икки баробардан зиёд даромад олиш, яна кўпроқ одамларни иш билан таъминлаш мумкин. Ундан олинадиган мой ҳам, омикта ем ҳам жуда сифатли, бозорбоп”. Президентимизнинг андижонлик фермерлар билан учрашувда айтган бу фикрларини Қашқадарё вилоятининг Ўзор туманида амалга оширилаётган йирик лойиҳа ҳам тасдиқлаб турибди. Андижонда соя ғўза қатор ораларида парваришланаётган бўлса, Ўзорда бу иш учун ўнлаб йиллар давомида янтоқдан бошқа ўсимлик ўсмаган бийдай дашт танланган.

ЗАМИНИМИЗ ҲАВОСИ ЁҚИБ ҚОЛДИ

Ястаниб ётган дашт сокинлигини аввалаги унинг гоҳ у ёни, гоҳ бу ёнида пайдо бўлган автобиллар овози бузган бўлса, кўп ўтмай ундан турли тилда сўзлашадиган одамларнинг оёғи узилмай қолди. Қайта-қайта ўлчашди, тупроғидан намуналар олишди. Улар бу ерлар учун умуман нотаниш бўлган “соя” деган сўзни тез-тез тилга олишарди. Кўп ўтмай қудратли техника кенг майдонларни шудгорлашга тушди. Шу пайтга қадар янтоқзор бўлиб ётган даштга обдон ишлов берилиб, ҳатто Зухра юлдузи хира торган кезларда ҳам сеялқаларда уруғ қадалди. Кўп ўтмай уфққа туташ майдонларни кўм-кўк майсалар қоплади...

Даштдаги кундалик деҳқончилик тадбирлари шу тарика бошланди. Лекин ерга ёндашув, иш тутуми ва технологияси тубдан бошқача эди. Чунки Ўзор туманининг Алишер Навоий номидаги қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидagi экин экишдан қичиб кетган адирликларда “Canadian soy integrated production” МЧЖ қўшма корхонаси ташкил этилиб, канадалик инвестор Насиб Фулом Довуд (улуш 99,5 фоиз) маҳаллий тадбиркор Барно Шарипов билан ҳамкорликда 15 миллион долларлик сармоя тикиб, соя экиш ва уни қайта ишлаш бўйича янги лойиҳани жорий этишга киришганди.

Туман ҳокимлигининг 2020 йил март ойи бошидаги қарорига кўра, ушбу мақсадлар учун 2073,8 гектар ер майдони 30 йил муддатга ижара шартномаси асосида ажратиб берилди. Жорий йилда унинг 1 730 гектарига уруғ қадалади, 2021 йилда бу майдон 5 минг, ундан кейинги йилда 10 минг гектарга етказилади. Ҳозирнинг ўзида эхтиёжманд олинанинг 150 нафар аъзоси доимий, 850 нафар ишсиз хотин-қиз ва ёшлар мавсумий иш билан таъминланди.

— Инвесторларга ажратилган ерлар унумдорлиги пастлиги, қисман шўрланганлиги туфайли қариб йигирмага йилдан буён ҳеч нарса экилмай, бўш ётган эди. — дейди Ўзор тумани ҳокими ўринбосари Азамат Аvezов. — Шу боис, соя уруғлари ўсимлик илдизидида соф азот ҳосил қилидиган “Нотимекосон”, “Повул” препаратлари билан ишланиб, кейин экилди. Бу каби агротехник юмушларга туркиялик мутахассис-агрономлар бош-қош бўлиб туришибди. Қийғос униб чиққан ниҳолларга жазирамали иссиқ шароитимиз ёқиб тушди шекилли, кундан-кунга барқ уриб ўсаяпти. Соя ўсимлигини экиш ва парваришлашда туманда мавжуд бўлган техника воситаларидан фойдаланилди, улар ёрдамида қатор ораларига ишлов берилипти. Тупроқ талабига қараб сугорилаяпти.

Ҳозирги мураккаб пандемия шароитида давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидagi 11,2 километр узунликдаги сув тармоқлари тубдан реконструкция қилиниб, 1000 гектар ер майдони фойдаланишига киритилди ва ушбу ерларда соя экилди.

Бугунги кунда соялар гуллаш фазасини ўтаб, дуқаклар ҳосил қилмоқда. Уларнинг дони йиғиб олингандан сўнг бемалол кузги бугдойга ерни тайёрлаш мумкин.

СОЯ БАРГИНИНГ ТОННАСИ КАМИДА 900 ДОЛЛАР

Илмий иши ва ҳаётининг аксар қисмини айнан мамлакатимизда соя етиштириш ҳамда ривожлантириш масалаларига бағишлаб келаётган Дипломат Ёрматовани инвесторлар Ўзорга таклиф қилишди. Бошқа юртлардан келиб Қашқадарёнинг бийдай даласида илдиз отиб, қийғос ўсган соялар билан “тиллашган” ва “диллашган” опа уларнинг авжидан кўнгли тўлди, парваришлашга доир тавсияларини берди.

Ташаббускорлар бу йил ҳар гектар майдондан 40 центнер соя дони, 35-37 центнердан унинг посясини олишни режалаштирган.

— Агар гектар бошига режадаги соя дони етиштирилса, унинг ҳажми 7000 тоннадан зиёд бўлади, — дейди Д. Ёрматов. — Мазкур ҳосил қайта ишланганда 2 100 тонна соя мойи ва қариб 4 500 тонна соя шроти олиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, ички бозорни бир неча баробар арзон, табиий тоза соя мойи ва чорвачилик, баликчилик, паррандачиликда фойдаланиладиган оқилга бий сифатли озуқа билан таъминлаш дегани.



Соя уруғлари азот тўловчи препаратлар билан ишланиб экилгани инobatта олинса, бир гектар майдонда кейинги экиш мавсуми учун табиий равишда камида 50-60 килограмм миқдорда соф азот ҳосил бўлади, бу тупроқ таркибини яхшилаб, биологик жараёнлар фаоллигини оширади.

Шу ўринда яна бир маълумот. Ер шарии аҳолисининг ярмидан кўпи фақат соя ёғини истеъмол қилади. Унинг дони ва оқсилдан тўрт юз хилдан зиёд турли маҳсулотлар тайёрланади ва улар халқ хўжалигининг барча соҳаларида ишлатилади. Соя дони таркибида ҳайвон оқсилда учрайдиган барча алмашлаб бўлмайдиган аминокислоталар сақланади. Шунинг учун ундан экологик тоза мой, паррандачилик ва чорвачилик маҳсулотларидан тортиб, қон плазмалари, кўзойнаклар учун сифатли линзаларгача олинади.

Бундан бир неча кун олдин Самарқанддан бир экспортёр келди. Экинлар яшнаб турган далаларни айланиб, руҳи кўтарилиб кетди. Соялар рисожи ўйлаганидан кўра зиёда эди.

— Соя баргини бизга берсангиз — деду у. — Сарғая бошлаши билан териб, намакоб сувда дигитиб, махсус қўтиларга қадоқлаб берасиз. Тоннасига 900-1000 доллардан тўлаймиз.

Хомчўт қилинди. Бир гектар ердан ўртача 2 тонна бағр чиқади. Экспортёр билан бир миллион доллар шартнома тузилди. Демак, 1200 тоннага яқин баргни буюртма талаблари асосида сентябрь ойи бошида тайёрлаб бериш зарур бўлади. Бу яна юзлаб кишилар учун мавсумий иш ўрни, қўшимча даромад дегани.

Тадбиркорнинг айтишича, соя барги Жанубий Кореяга экспорт қилинади. У озиқ-овқат саноатида, айниқса, гуручдан тайёрланган таомларни соя баргига ўраб, дастурхонга тортишда жуда асқотар экан. Чунки экологик тоза маҳсулот.

Бу дастлабки буюртма. Талаб ва таклифга қараб унинг ҳажми яна ортиб боравериши мумкин.

2 730 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛАДИ

Мазкур лойиҳанинг кўлами кенг. Биринчи босқичда соя етиштириш ва қайта ишлаш заводини қуриш лойиҳасининг қиймати олти миллион АҚШ долларига тенг. Кейинги йилдан бошлаб унинг узвий давоми бўлган паррандачилик ва чорвачилик учун тайёр омухта ем ишлаб чиқариш корхонасини бунёд этишга уч миллион, 2022 йилда ишга тушириладиган табиий органик ўғит ишлаб чиқариш заводи учун олти миллион доллар йўналтириш мўлжалланмоқда. Бу лойиҳалар тўлиқ амалга ошган, 2 730 та янги иш ўрни вужудга келади.

Коронавирус пандемиясининг бутун дунё бўйлаб тарқалиши канадалик инвесторнинг қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш режасини бироз орқага суришга мажбур қилди. Сентябрь ойи бошида унинг Ўзорга келиб, ажратилган етти гектар майдонда ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ишларини бошлаши учун имконият туғилляпти. Ўзор тумани ҳокимлиги корхоналарини барпо этиш жараёнида зарур инфратузилма билан таъминлашда яқиндан ёрдам беради.

Демак, қайта ишлаш заводларининг инвесторлар томонидан қурилиши ҳисобига унумсиз, ташландиқ бўлиб ётган майдондан олинадиган дон маҳсулотларига талаб тобора ортиб боради. Бунинг натижасида аҳолини доимий ва қўшимча иш билан таъминлаш имкони пайдо бўлади. Янги экин экилган майдонлардаги тупроқ унумдорлигининг яхшиланиши ва гумус миқдорининг табиий равишда ошиши бу ерларни том маънода олтиндан ҳам қиммат серҳосил заминга айлантиради.

Ўзор туманида экин экишдан қичиб кетган ерларда соя етиштириш ва уни қайта ишлаш лойиҳаси ҳам аспида деҳқонлар даромадини ошириш, аҳолини иш билан банд этиш, қолаверса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳаётбахш сиёсатнинг яна бир амалий ифодаси.

Ҳар бир ҳудудда амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар одамларимизнинг яқин келажақда эмас, айнан бугунги кунда яхши яшашлари учун янгидан-янги имкониятлар эшигини очаяпти.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иктисодий шарҳловчи

Тўрт фаслнинг тароватини ўзида жамлаган она диёримизнинг иқлими барқарор, тупроғи унумдор, халқи эса меҳнаткаш. Асосан, аграр соҳага ихтисослашган аҳоли учун ердан унган ҳар бир гиёҳу ўсимликнинг қадри ва қиймати бор. Демак, экинлар учун зарур бўлган минерал ўғитларга бўлган талаб ошса ошадикки, асло камаймайди.



ДЕҲҚОНОБОД КАЛИЙ ЗАВОДИ:

80 фоиз маҳсулот экспорт қилинмоқда



Ойбек ҚУРБОНОВ,
“Деҳқонобод калий заводи” АЖ бошқаруви раиси,
халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгаши депутати

Бундан ўн йиллар олдин Ўзбекистонда экинлар учун калий хлориди тўлиқ импорт қилинар эди. Бу, албатта, иқтисодийта ўз таъсирини ўтказмасдан қолмасди. Шунини ҳисобга олиб, 13 йил муқаддам “Деҳқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти ташкил этилди ва 2010 йилнинг 19 август кунини корхона илк маҳсулотини ишлаб чиқарди: калий хлориди ички бозорга кириб борди. Шу кунвончи кунга ҳам ўн йил бўлибди.

Калий хлориди минерал ўғит сифатида кишлоқ ҳўжалигининг барча тармоқларида ишлатилади. У нафақат сабзавотлар, балки хонаки гуллар учун ҳам фойдалидир. Калий хлоридини қўллаш натижасида ўсимликлар ҳарорат ўзгаришига чидамлироқ, йирик мева ва шох-шаббалари қалин бўлиб этилади. Ўзгариб бораётган иқлим шароитида сифатли ва экспортбоп маҳсулот етиштиришда бу ўғитнинг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганини таъкидлаш зарур.

Аввалига 1 321 нафар ходим меҳнат қилган Деҳқонобод калий заводининг

ишлаб чиқариш қуввати 200 тонна бўлган бўлса, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 3 апрелдаги “Кимё sanoatini yanada isloх qiliш va uning investitsiyaviy jositadordrligini oshiriш chora-tadbirlari tўgrisida”ги qarorida belgilangan vazifalardan kelib chiqib korхona oldiga yangi talablar qўyildi. Bугunги kunda korхona 2,1 million tonна maъdanни qazib olish va uni qayta ishlash, 600 ming tonна tayёр kalii xloridi ishlash chiqariш qўvatiga эga.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Деҳқонободнинг бепоев ерлари, сеҳри тупроғи фойдали қазилмаларга жуда бой. Биз ишлаб чиқарадиган калий хлориди ер остида тайёр ҳолда бўлмайди. Қазиб олинган хомашё бир неча босқичда қайта ишланади. Айтайлик, мажмуага ташиб келтирилган силвинит хомашёси флотация усулида бойитилиб, махсус технологиялар асосида янчиш, майдалаш ва саралаш, флотация, концентратни филтрлаш, қуриштиш, совитиш ва қадоқлаш жараёнларидан ўтади. Майдалаш ва янчиш ускунаси, вибрацияли саралаш элақлари, стерженли тегирмон, шламсизлантририш гидроциклонлари, флотация машинаси, филтрлаш қурилмалари, қуриштиш ва совитиш тизими, қадоқлаш машиналари ва бошқа замонавий технологик ускуналар орқали экинлар учун зарур бўлган калий хлориди тайёр ҳолга келтирилади.

2010 йилда жамиятда 40,5 минг тонна калий хлориди ишлаб чиқарилган бўлса, 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида бу кўрсаткич 144,9 минг тоннани ташкил этди. Илҳ ойирғича эса 350 минг тонна калий хлориди ишлаб чиқариш прогноз қилинган. Махсулотларимизни республикадаги ҳудудий “Агрокимёхимия” жамиятлари биржа савдолари орқали сотиб, шу тариқа ички бозорни зарурий минерал ўғит билан таъминлаб келмоқдамиз. Жумладан, 2010 йилда 1,9 минг тонна ва 2011

йилда 18,6 минг тонна шундай ўғит тайёрланган бўлса, 2020 йилнинг 6 ойи давомида 54 минг тонна қимматли маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилди. Ушбу рақамлар ҳам корхонанинг ишлаш ҳажми кескин ошганини яққол кўрсатиб турибди.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШДАГИ ЮТУҚЛАР

Тюбегатан калий тузлари конини ўзлаштириш негизида калий ўғитлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, истеъмолчиларни рақобатбардош маҳсулот билан таъминлаш, республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш, минтақада ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида ташкил этилган мазкур корхона ишга тушиши билан мамлакатимиз кимё sanoatida kalii xloridi тайёрлаш тўлиқ маҳаллийлаштирилди. Шунингдек, мажмуада крахмал маҳсулотини ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам дастурга киритилиб, 2016 йилдан гуруҳ оқшогидан крахмал олиш йўлга қўйилди. Бу орқали илгари импорт қилинган картошка ва маккажўхори крахмалларининг тўлиқ маҳаллийлаштирилишига эришилди. Бундан ташқари, 2019-2020 йилларда мутахассисларимиз республикаимиздаги етук олимлар билан ҳамкорликда шу пайтгача импорт қилиб келинаётган суюқ парафин кимёвий реагентини ўзимизда ишлаб чиқариш бўйича тажриба-синевлар ўтказди. Иланишлар давомида маҳаллий хомашё асосида суюқ парафиннинг тажриба намуналари олиниб, қўллаб қўрилди ва ижобий натижаларга эришилди. Ҳозирги пайтда ускуна ясаишларининг яқиний босқичи кетмоқда. 2020 йил сентябрь ойидан бу модда ҳам тўлиқ ўзимизда ишлаб чиқарилишига эришилади. Натижада йилга 28 минг АҚШ доллари миқдоридида валюта маблағлари тежалади.

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ

Корхонанинг асосий ва энг муҳим вазибаларидан бири махсулотни экспорт

қилишдир. Сўнгги уч йилда кимё sanoati korхonalарини moliyaviy-iқtisodiy soғlomlashtiriш va ulарнинг faoлиятини barқarorlashtiriш, amалdagi ishlash chiqariшlarни modernizatsiya қилиш, uглевodород xomашёси va минерал ресурсларни чўқур қайта ишлаш бўйича янги қувватларни барпо этишга қаратилган инвестиция лойиҳалари қўлами кенгайди. Шу билан бирга, кимё sanoatини жадал ривожлантириш ва диверсификация қилишга қаратилган лойиҳаларни рўёбга чиқариш, энг аввало, давлат активларини хусусий мулкка сотиш ҳисобиға корхоналардаги давлат улушини қисқартириш, корпоратив бошқаруving замонавий услублари, moliyaviy хисоботларнинг халқаро стандартларини жорий этиш ҳамда корхоналарнинг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш орқали тармоқнинг инвестициявий жositadordrligini oshiriш бўйича chora-tadbirlar қўрилмоқда.

Заводимиз акциядорлик жамиятига айлантририлғач, унинг ишлаб чиқариш ҳажми билан бир қаторда экспорт салоҳияти ҳам анча ортди. Ҳозирги кунда махсулотларимизнинг 80 фоизи чет давлатларга сотилмоқда. Жумладан, 2010 йилда 6,6 миллион АҚШ доллари миқдоридида 26 минг тонна маҳсулот четта чиқарилган бўлса, 2020 йил биринчи ярим йиллигида 10,5 миллион АҚШ доллари миқдоридида 78,4 минг тонна калий хлориди экспортга йўналтририлди. Корхона фаолият бошлаганидан буён экспорт ҳажми 1 510 минг тоннага етди. Махсулотларимиз Қозғистон, Сингапур, Малайзия, Хитой, Эрон, Ироқ, Украина, Қозғистон, Грузия, Япония, Ҳиндистон, Ироқ, Бирлашган Араб Амирлиқлари, Вьетнам, Малайзия, Шри-Ланка, Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Туркия, Молдова, хатто Африка давлатлари бозорларига қириб борди.

Айтиш керакки, ўтган йиллар давомида маҳсулот фақат ёпиқ турдаги вагонларда 50 килограмм қопларда етказиб берилган бўлса, харидорларга қулайлик яратиш мақсадида 2014 йилдан калий хлоридини қадоқланмаган ҳолда, минерал ўғитлар ташуви махсус вагонлар ва контейнерларда ёки 1 тонналик “Big-bag” қопларига қадоқланган ҳолда жўнатиш йўлга қўйилди.

АҲОЛИНИНГ ЯШАШ ШАРОИТИ ЯХШИЛАНДИ

Корхона юқори рентабелликка эришиб келмоқда. Масалан, 2010 йилда заводнинг соф фойдаси 2 миллиард 274 миллион сўмини ташкил этган бўлса, 2019 йилда 5 миллиард 575 миллион сўм даромад кўрилди. Шу боис, жамият томонидан туман инфратузилмаси ва бюджетига маблағлар ажратилиб келинмоқда. Айтайлик, 2010 йилда давлатта 1,8 миллиард сўм миқдоридида солиқ тўланган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилда 46,7 миллиард сўмга етди. Шу кунгача ташкилотнинг бюджетга тўлаган солиқ ва бошқа тўловлари миқдори 291,39 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Бундан ҳам муҳими, жамият ўз иш фаолиятини бошлаган йилларданқо Деҳқонобод туманидаги маҳаллий аҳолини иш билан таъминлай бошлади. Бугунги кунда жамиятимиздаги 1 940 нафар ишчи-ходимнинг 244 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади. Жамият томонидан 2010—2020 йилларда жами 1 208 нафар ходим қайта тайёрланиб, малакаси оширилди.

Навоий шаҳридаги “Импульс-инновация Навои” нодавлат ўқув муассасасининг юқори малакали мутахассислари жалб этилиб, тоғ-кон мажмуасининг ишчи-ходимлари ишдан ажралмаган ҳолда “Ер ости узиорар вагон машинисти” мутахассислиги бўйича қайта тайёрланмоқда. Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича барча ишлар алоҳида режа асосида олиб борилади. 2010-2020 йил-

лар мобайнида жамият ходимлари нуфузли олий таълим муассасаларида ўқитилди. Хусусан, Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университетидида икки нафар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академиясида тўрт нафар, Банк-моллия академиясида икки нафар ҳамда республика Олий бизнес мактабида бир нафар мутахассис тахсил олиб, ҳозир юқори лавозимларда фаолият юритмоқда.

Бундан ташқари, туманда жойлашган коллеж битирувчиларидан 392 нафари ўз мутахассислиги бўйича ишга қабул қилинди. 2010-2020 йиллар давомида коллежларнинг жами 3 884 нафар талабаси, олий таълим муассасаларидан эса жами 4 350 нафар битирувчи ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётларини корхонада ўташлари ташкил этилди.

Деҳқонобод туманида бугун 135 мингдан ортиқ аҳоли истикомат қилади. Улар, асосан, chorвачилик ва деҳқончилик билан шўғулланади. Туман ҳудудининг асосий қисминини лалми ерлар ташкил этгани боис, аҳолининг деҳқончиликдан оладиган даромади кўп жиҳатдан баҳорнинг қандай келишига боғлиқ. Деҳқонобод калий заводининг айнан шундай ҳудудда фаолият кўрсата бошлаши эса бу каби табиий қарамлик оқибатларини камайтиришга хизмат қилмоқда. Яъни завод 2 мингга яқин ишчининг “қозонини қайнамоқда”. Энг муҳими, корхона ишга тушиши билан Деҳқонобод бюджетдан дотация ажратиладиган туманлар рўйхатидан чиқарилди. Пандемия шароитида ҳам завод маъмурияти аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга 70 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатди, 25 та оилага она-бола эчкилар тарқатилди, бокувчисини йўқотган оилалар қизлари завод тикув цехига ишга олинди.

Бир сўз билан айтганда, давлатимизнинг эътибор ва ғамхўрлиги туфайли жамиятининг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳияти ортар экан, аҳолининг ҳам даромадлари қўлаиб, “темир дафтар”даги оилалар сони қисқариб бораверади.

Хукуқ

Мухтарам РАЖАПОВА,
Бош прокуратура
Академияси кафедра
бошлиғи

Мамлакатимизда суд-хуқуқ соҳасидаги ислохотлар жаҳон андозасига, халқаро стандартларга мувофиқ тарзда амалга оширилмоқда. Айнан шу нуқтага назардан, Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахсининг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони суд-тергов фаолиятининг халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибага мувофиқ келадиган асосий принципларини белгилаб берди.

Мазкур ҳужжат 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қонунийлиқни таъминлаш, қонунчиликни такомиллаштириш, фуқароларнинг суд-тергов органларига бўлган ишончини янада ошириш каби бир қатор асосий вазифаларни белгилаб берган бандлари ижросини таъминлаш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Фармон қонунчиликка жиноят содир этишда гумонланган шахсни ушлашдан то жиноят иши судда ўз ечимини толуғига қадар бўлган жара-

ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАГА МУВОФИҚ НАМУНАВИЙ ТАРЗДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

ёнларга доир бир қатор янги нормалар киритиши баробарида жиноятларни фош қилиш, унга қарши курашиш, қонунийлиқни таъминлаш бўйича хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янги босқичга кўтаради.

Мазкур ҳужжат суд-тергов фаолиятида шахс хуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, процессуал ҳаракатларнинг сифатини ошириш, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашни исботлаш жараёнини халқаро стандартлар асосида амалга ошириш, шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш механизмларини жорий қилишни кўзда тутди. Шу билан бирга, унда суриштирув ва дастлабки тергов органларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини юксалтириш, фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган илғор ахборот-коммуникация технологияларини ва илмий-техника воситаларини, шунингдек, ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усулларини қўллаш суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланди.

Фармон тезкор қидирув фаолиятни амалга оширувчи ҳамда суриштирув ва тергов органлари олдида жиноят ишларининг сифатли ва қонун талабларига тўлиқ риоя этилган ҳолда тергов

қилишини таъминлаш билан боғлиқ бир қатор талабларни қўйдики, уларнинг ижроси бевосита кадрлар салоҳияти ҳамда ушбу органларнинг имкониятлари билан узвий боғлиқ.

Жиноят ишларини тергов қилиш ва қўриб қиқиш жараёнида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ва ҳолисликка риоя этиш, фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш ҳолатларининг олдини олиш, ҳар бир суриштирувчи ва терговчиларни видеотасвирга олиш воситалари билан таъминлаш ва улардан тўлиқ фойдаланишга эришишга алоҳида ургу берилди.

Тергов жараёнида процессуал ҳаракатларни видеотасвирга олиш фуқароларнинг конституциявий хуқуқларини ҳимоя қилиш қафолатларини мустаҳкамлаш имкониятини кенгайтиради.

Ахборот-коммуникация технологиялари суд-тергов жараёнида инсон хуқуқ ва эркинликларига қандай риоя этилаётганига ҳам қўшимча қафолат бўлиб хизмат қилади.

Фармоннинг тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларини тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказишда фойдаланиладиган техник воситалар ва ускуналар билан тўлиқ жиҳозлаш ва уларнинг узлуқсиз ишлашини таъминлаш борасидаги талаблари ҳам қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя қилиш каби

конституциявий принципларни ҳаётга тўла татбиқ этишга қўмақлашади.

Жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни “Электрон жинойий-хуқуқий статистика” ягона ахборот тизимида электрон рўйхатга олиш ва уларни қўриб қиқиш натижаларининг ягона электрон ҳисобини юритиш имконини берувчи дастурий модулнинг ишга туширилиши жиноятни ҳисобга олишни қасддан яшириш билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олади.

Фармонда 2021 йил 1 январга қадар Тошкент шаҳри прокуратураси тергов бўлинималари ва Ички ишлар бош бошқармаси тергов бошқармасининг фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибага мувофиқ намунавий тарзда ташкил этиш, бунда уларни замонавий криминалистик ускуналар билан жиҳозланган автотранспорт воситалари, процессуал ҳаракатларни аудио ва видеога қайд этиш тизимлари ҳамда стенография юритиш ускуналари билан таъминлаш, хизмат биноларида тергов ҳамда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимоячи билан ҳоли учрашадиган махсус хоналарини яратиш чораларини қўриш билан боғлиқ яна бир вазифа белгиланган.

Фармонда тергов соҳасида малакали кадрларни тайёрлашга ихтисослаштирилган олий таълим муассасасини ташкил этиш ҳамда прокуратура органлари тизимида прокурор-криминалист лавозимини жорий этиш кўзда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, фармонда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши суд-тергов фаолиятида шахсининг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатларини янада кучайтиришга хизмат қилади.





Танлов

Миллатнинг миллийлиги, ўзлигини англатувчи воситалардан бири тил эканини бутун ҳар қачонгиданда чуқурроқ ҳис қила бошладик. Бунинг тилимизнинг қадрини ошириш, унинг нуфузини юксалтириш йўлида жасорат кўрсатишга бел боғлаганимиз билан намоён этмоқдамиз. Энди биз ўз она тилимизни юксалтириш йўлида баралла бонг уришга ҳақлигимиз.

“ҚАДРИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, ОНА ТИЛИМ!”

Бунинг учун ҳуқуқий асосимиз, имкониятимиз етарли. Энг азий, энг улғу байрамларимиз қаторига ўзбек тили байрами ҳам қўшилди. Тилимизни шарафлаш, уни турли ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш, обрў-созланишига йўл қўймаслик бора-сида тизимли ишларни аллақачон бошлаб юбордик.

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда “Қадринг баланд бўлсин, она тилим” шiori остидаги республика танловини эълон қилиши эса бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг амалдаги ифодасидир. Мазкур танловнинг ташкил этилиш жараёни ҳамда ўзимизни қизиқтирган саволлар юзасидан департаментнинг давлат тилини ривожлантириш ва давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини мониторинг қилиш бўлими мудури Шаҳобиддин МУСАЕВга мурожаат этдик.

— Аввало, “Қадринг баланд бўлсин, она тилим” шiori остидаги танловни ўтказиш гоёси қандай юзга келгани, унинг мақсади ҳақида сўз юритсак.

— Мазкур танлов, аввало, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш учун фидойилик қилаётган жонқурларни бир тадбир атрофида бириктириш, уларнинг фикр ва гоёларини оммалаштиришга қаратилгани билан эътиборлидир.

Танловни ўтказишдан мақсад юртимизда давлат тилини кенг тарғиб этиш ва ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, адабий тил меъёрларига риоя этилишини таъминлаш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг дунёқараши, сўз бойлигини кенгайтириш, китобхонлик маданияти, ёшма ва озғани саводхонлигини оширишдан иборат. Бундан ташқари, ўзбек тилининг нуфузини нафақат мамлакатимизда, халқаро майдонларда ҳам муштахкамлаш, хориждаги ватандошларимиз ва ўзбек тилини севувчи хорижликларга ўзбек тилига мухаббат ва эътиборини намоёнлаш қилиш, тарғиб этишга имконият яратишдир.

Шунингдек, иқтидорли ёшларнинг ижодий салоҳиятини юзга чиқариш ва ривожлантириш, уларнинг давлат тилини тарғиб қилувчи ижодий ишларини рағбатлантириш ва оммалаштириш орқали ёш авлодда она тилига нисбатан миллий ғурур ҳиссини шакллантириш, уларда умуминсоний қадриятларга бўлган ҳурмат туйғусини тарбиялаш танловнинг асосий вазифаларидан биридир. Кенг жамоатчиликда ватанпарварлик, маънавий-адабий меросимиз, она тилимиз тарихига қизиқиш уйғотиш, уни асраб-авайлашга қорлаш каби мақсадлар ҳам кўзда тутилганки, уларнинг амалга ошиши тилимиз тараққиёти билан боғлиқ ўта муҳим омиллардир.

— Танлов низомидан келиб чиққан ҳолда иштирокчилар аудиторияси, йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

— Танловда ёши ва миллатидан қатъи назар, Ўзбекистонда яшовчи фуқаролар ҳамда яқин ва узоқ хорижда яшовчи ўзбек диаспораси, хориждаги “Ўзбек тили дўстлари” клублари аъзолари, шунингдек, ўзбек тилини ўрганувчилар, видеомаҳсулотлар яратиш билан шуғулланувчи барча шахслар иштирок этишлари мумкин.

Тадким этиладиган ижодий

ишларнинг якка ёки жамоавий тарзда бажарилиши кўзда тутилган бўлиб, иштирокчилар (иштирокчилар жамоеси)нинг тақдим этиши мумкин бўлган ижодий ишлари миқдори чекланмаган.

Иштирокчилар 4 та йўналишда беллашади:

• Энг яхши бадиий асар (шеърый асар — 30 мисрагача; насрий ҳикоя — ҳажми 3600 босма белгигача);

• Энг яхши публицистик мақола (очерк, лавҳа — ҳажми 5400 босма белгигача);

• Ўзбек тилининг хориждаги энг яхши тарғиботи (ўзбек миллиятига мансуб ёки чет эл фуқаролари томонидан яратилган хорижда ўзбек тилини тарғиб қилишга қаратилган илмий, бадиий, мусиқий асарлар ҳамда аудио-видеомаҳсулотлар);

• Энг яхши ижтимоий роликлар (аудио-видеороликнинг давомийлиги 3 дақиқгача).

Ижодий ишларда мустақиллик йилларида давлат тилини ривожлантириш саъй-ҳаракатлари, мамлакатимиздаги тарихий жойлар, қадимий шаҳарлар, тарихий-меъморий ёдгорликлар, меъморий мажмуалар, обидаларнинг номларини тарихий ва илмий асослар билан шарҳлаш, ёшлар онгу шуурига она тилига нисбатан эҳтиром туйғусини синдирувчи таъсирли воситаларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ.

Танлов иштирокчиси ижодий иш(лар)ини исталган видеохостингда жойлаштириб, иштирокчи анкетасини тўлдиришлари ёки “Қадринг баланд бўлсин, она тилим” танловига” қайди билан ўз исм-шарифи, ёши, телефон рақами ва манзили ҳақидаги маълумотларни танловнинг телеграм мессенжеридagi @Til_tanlovbot ёки info-til@gov.uz электрон почта манзилга юбориши мумкин.

Ижодий ишлар олдиндан кўриб чиқилган, материаллар www.til.gov.uz сайтига жойлаштирилади. Таъкидлаш жоизки, ижодий ишлар танлов мавзусига мос келмаса, бадиий-эстетик савияси паст бўлса ёки уларни яратишда техник талаблар бузилган тақдирда танловга қўйилмаслиги мумкин. Маълумот ўрнида шунинг ҳам айтиш керакки, электрон шаклда тақдим этилмаган



Пандемиянинг дастлабки пайтлари — ҳали вазият изга тушмаган, очиғи, гап нимадалиги ҳам аниқ бўлмаган кунларда дори-дармон, тиббий ускуналар билан чайқовчилик қилган айрим юртдошларимизнинг тубан ишлари узоқ вақт халқимизнинг эсидан чиқмаса керак.

Синовли кунларда

ФИДОЙИ КИШИЛАР ҚУЁШДЕК ЗАРУР

Одамзот ўтган даврлар мобайнида чечак, ўлат, вабо, испан гриппи ва ОИТС сингари кўплаб балоларга рўбарў бўлган. Тарихдан маълум, ҳали замонавий тиббиёт ривожланмаган шароитларда бу касалликлар миллионлаб кишиларнинг умрига зомин бўлган, 20-25 йиллаб одамларни исканжада ушлаб турган, ҳатто қора танлилар юқтирган чечак туфайли Лотин Америкасида гуллаб турган инклар, ацтеклар цивилизацияси барбод бўлиб кетган.



Ҳаким САТТОРИЙ, Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходими

Бу коронавирус балоси бошқача келди. Ҳали инсоният осийишта турмуш тарзига қайтади, бу кунларни совуққонлик билан таҳлил қилади, иншааллоҳ. Ушанда балки кўп далиллар юзга чиқиб қолар, лекин, нима бўлганда ҳам, бу ҳолнинг пайдо бўлиши шу замон кишиларнинг ўз феъли-атвори, ҳаёт тарзи, маънавий олами билан боғлиқ равишда юзга келгани тасдиқланиши, шубҳасиз. Алломалар фақуллода ҳолатларнинг рўй беришида иккига — рухий ва жисмоний омилни таъкидлаб кўрсатганлар. Жисмоний омил сифатида муайян таъсирга эга бўлган вируснинг табиатда мавжудлиги далили қайд қилинса, рухий омил сифатида кишиларнинг маънавий-ахлоқий ҳолати, маданияти, онглилик даражасига эътибор қаратилади. Кейинги омил пандемияни бартараф этишда ҳал қилувчи вазифани бажарган. Бунинг қилиб тушунирсак, айтилик, мутахассис чўқур илмий асосга эга тавсия берди. Балони даф этишнинг оммавий тарзда қўлланиладиган бошқа йўли йўқ. Шундай бўлган, аҳоли, шак-шубҳасиз, тавсияларга қатъий амал қилиши, атрофидошларига ҳам қўз-қўлоқ бўлиб, бунинг бажарилишини талаб этиши шарт. Ана шундай қатъий ҳолатдагина пандемияни бартараф этиш мумкинлигини тажрибалар тасдиқлаган.

Фақат қатъий тартиб, чидам ва сабр — пандемияни енгишнинг синалган усуллари шулар. Умуман, ҳар бир киши халқимизнинг “Балодан — ҳазар!” деган пурмазно ҳикматига амал қилса, мақсадга тезроқ восил бўлинади. Тарихда бундай воқеа бўлган экан. Пайғамбаримиз Муҳаммад(с.а.в)га сидқи-дилдан хизмат қилган ва тириклигидаёқ ун нафар жаннатий саҳобадан бири сифатида эътироф этилган Абу Убайда ибн Жарроҳ Шом (Сурия) волийси эди. Ул зотнинг ҳузурига халифа Умар(р.а.) таширф буюрадилар. Уша кунларда Шомда вабо тарқалгани дарағи бор эди. Волий халифага энг чеккадаги қишлоқда пешвоз чиқади ва кўришлари биланқоқ муҳим воқеа сифатида вабо тарқалганини айтиди. Энди қандай йўл тутиш борасида иккиламши пайдо бўлади. Бу вазиятнинг ечими муборак таълимотларда мавжуд эди. Айнан шу ҳақдаги ҳадисни ўз қўлоғи билан эшитган саҳоба Абдурахмон ибн Авф тақлиф этилади ва у ҳадисни қироат қилади: “Қачон унинг бирор ерда борлиғи ҳақида эшитсангиз, у томон борманг. Қачон сиз турган ерда у воқеъ бўлса, ундан қочиб чиқмангиз”. Бу талаб ҳозирги истилоҳ билан айтганда “карантин”нинг ўзинаси. Демак, унинг талабларига амал қилиш — омон қолишнинг ягона йўли. Мусохабадан кейингарчи Шом аҳли бу сафарни ориқиб кутган бўлсалар ҳам Умар (р.а.) Мадинага қайтиб кетдилар, дейилади тарихларда. Нақадар ибратли ҳолат!

Бугунги даврга келиб табобат жуда ривожланди, одамзотга қирғин келтирган касалликлар жоловланди, ҳатто айримлари бутунлай йўқ бўлиб кетди, бироқ зарурат туфайли сабоқ бўладиган усуллар эскиргани йўқ. Негаки, моҳият ўзгаргани йўқ — офат илм билан басма-бас ҳуфиёна белгиларини ривожлантириятти, шу туфайли бир эпидемия бошқасига ўхшамайди. Шундай шароитда тўп асос бўлган усуллар, масалан, карантин балони даф этишда дастлабки қадам ҳисобланади. Агар юртимизда кечаётган ташвишли ҳолат ва карантин талабларига риоя этиш манзарасини таҳлил қилсак, гўё айрим одамларнинг соғлиғи ўзига эмас, бировга (масалан, карантин қондаларига амал қилишни талаб қилаётган мутасаддига) керакдек. Ҳолбуки, касаллик ёпишса, жабрини ҳар кимнинг ўзи тортади, ташвишга ҳам яқин кишилари қолади. Шу оддий ҳақиқатни англаб етишда одамларнинг шахсий маданияти, тушуңчаси қай даражада экани намоён бўлаётти.



Юртимизда пандемияни жоловлалаш, балони даф этиш учун ҳамма чоралар қўриляпти. Бу иш давлат раҳбарининг биринчи даражали ташвишига айланганини ҳар кунги чора-тадбирлардан билиб олиш қийин эмас. Ана шундай таҳликали шароитда ўзгаларнинг ташвишини ўзиники билиб, тиним билмаётган инсонларнинг саъй-ҳаракатлари, халқимиз қалбидан кечаётган шу ватан, оқибатли элдан гурурланиш туйғуси ғам-ташвишларни енгишда рухий мадад бўляпти.

Қаранг, муҳташам спорт ареналари, кўргазма саройлари, давлат ташкилотларининг маъмурий бинолари шиғохоналарга айлан-тирилди; қимматбаҳо дори-дармонлар, замонавий тиббий техник анжомлар келтирилмоқда — коронавирусни бартараф этиш учун ҳеч нараса аялмайётир. Энди “саломга яраша алик” дегандек, бу ғамхўрликларнинг моҳиятини юртдошларимиз ҳам сезишлари, ўзларидеда шунга яраша масъулият ҳис этишлари инсоний қарзидир.

Негаки, “қарс икки қўлдан”, барча шароитни муҳайё қилиш, дори-дармонларни тўкиб

Албатта, “Гуруч курмаксиз бўлмайди”, аммо салбий кўринишлар оқибатли, яхшиликка яхшилик билан жавоб берадиган халқимизнинг обрўсига соя ташлай олмайди. Ижтимоий ҳаётда ноҳуш ҳолларнинг юзга келишининг эса ўзига хос сабаблари бор.

ташлал билан муддао ҳосил бўлмайди; ҳар бир ғамхўрлик унсури кишилар қалбидеда оқибат, андиша, ундан унумли фойдаланиш масъулиятини уйғотиши жоиз. Ҳозир ҳамма, ҳамма нараса синовдан ўтадиган палла. Шунинг учун айни пайтда кимнинг кимлиги ҳам аниқ билиниб қоляпти. Пандемиянинг дастлабки пайтлари — ҳали вазият изга тушмаган, очиғи, гап нимадалиги ҳам аниқ бўлмаган кунларда дори-дармон, тиббий ускуналар билан чайқовчилик қилган айрим юртдошларимизнинг тубан ишлари узоқ вақт халқимизнинг эсидан чиқмаса керак.

— Ачинарли манзара, — дейди Тошкент шаҳри тез тиббий ердан шиғохонасининг олий тоифали врач Зайниддин Чориев. — Одамлар ҳарорати кўрпани ёқиб юборадиган бўлиб, жон талашиб ётганда, унга зарур 18-20 минг сўмлик таблеткани 800 минг сўмдан сотганлар бўлди. Дорихонага арзон нархда келган дорини яшириб, сунъий танқислик яратиб, кейин ун-йигирма баравар ортиғига сотиб, одамлар ҳаёти эвазига даромад топаётганлар уялмасмикин?!

Йўқ, уялмайди. Агар уят ўлмаганда эди, бунчаликка борилмасди. Ахир халқнинг халқлиги, унинг қандай ишларга қодирлиги бошга ташвиш тушганда билинади-ку. Ёв бостириб келганда ўз юртдошини унга тутиб бериб, манфаат қўрган одам ким ҳисобланган? Албатта, хонин ва у қаттиқ жазога тортилган. Фақуллода вазиятда одамларнинг ин-

сонийлиги, оддий қилиб айтганда, шахсий маданияти ҳам имтиҳондан ўтяпти. Мутасаддиларнинг таъкидлашча, шиғохонга тушган қариндоши ёки ота-онасининг изидан келганлар палатага қириб, яқинини қўришни жуда хоҳлашар экан. Шиғокорлар карантин талабларини эслатса ҳам хархаша қилиб, уларнинг асабига тегишаркан. Ана шундай худбинликлар, ҳамюртининг аҳволига бепасандлик сингари иллатлар ҳам шиғохоналар муҳитига таъсир қилаётган экан. Тиббий ходимларнинг беёминнат хизматини қадрламаслик, уларга ҳурматсизлик ҳолларининг учраётгани кўрнамалиқдан бошқа нараса эмас. Оламда захматли меҳнатлари жараёнида вирус юқтириб олиб, вафот этаётган шиғокору ҳамширалар борлигини унутмайлик. Уларни қадрлаш — оддий инсоний бурчимиз.

Албатта, “Гуруч курмаксиз бўлмайди”, аммо салбий кўринишлар оқибатли, яхшиликка яхшилик билан жавоб берадиган халқимизнинг обрўсига соя ташлай олмайди. Ижтимоий ҳаётда ноҳуш ҳолларнинг юзга келишининг эса ўзига хос сабаблари бор. — Мустақиллик йилларида халқимиз моддий фаровонлиги, шу билан бира, талабчанлиги ва эҳтиёжмандлиги ҳам бир неча баробар ортди, — дейди нафақадиги ҳуқуқшунос Эргаш Бозоров. — Икки қаватли шахсий уйлар ҳеч кимни ажаблантирмай қўйди. Аҳолининг кўпчилик қисмида енгил автомашина, қишлоқлар ўз қиришлари, ободлиғи билан шаҳарлардан қолишмайди. Шунга яраша ҳаёт тарзи. Албатта, булар яхши, лекин масаланинг иккинчи тарафи — маънавиятга ҳам талаб шунчалик ошдими? Йилига



машинасини алмаштирадиган бозорчи йигит ҳар йили битта ёки иккита китоб ўқийдими? Афсуски, ижобий жавоб бериб бўлмайди. Маънавият ва моддий мутаносиб бўлмас экан, ҳаёт тарозисининг шайини қийшқиб бўлиб тураверди. Албатта, шайини қийшқик тарозига ҳеч нарсани тўғри ўлчай олмайди.

Ҳаётнинг оғир лаҳзаларида кимнинг қандайлиги билиниб қолади ва бу таассуротлар хотирида узоқ вақт сақланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўзи врач бўлган, адабиёт оламида ҳам ёрқин из қолдирган Антон Чеховнинг гапларини қайд этиш ўринлига ўхшайди: “Фидойи кишилар қуёшдек зарур. Улар жамиятнинг энг нафис ва ҳаётбахш унсури бўлиб, бошқаларга ҳаяжон, таскин берадилар ва ёшартирадилар. Уларнинг шахсиятлари — қуруқ сафсата сотувчи, бир мирига арзимайдиган мижҳов гоёлар билан яшовчи, ҳаётни инкор этиш учун ахлоқсизликлар қилувчи ва бир бурда нон деб ёлгон гапирувчи (ҳар қандай тубанликка қўл урувчи) кишилар тоифасидан ташқари бошқача одамлар, жасорат, эътиқод ва аниқ мақсадга эга бўлган одамлар ҳам борлигини жамиятга ўқтириб турувчи жонли гувоҳлардир”. Шуқороналар бўлсинки, жамиятимизда қалбидеда меҳр-муҳаббат, одамийлик, олижаноблик, юксак маданият ва маънавият офтоби нур сочиб турадиган фидойи юртдошларимиз жуда кўп. Шу боис, бу синовлардан, албатта, кучли ва ҳамжиҳат бўлиб ўтамиз.



МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ ЕРДАГИ ЁРҚИН “ЮЛДУЗИ”

Ориф ТҶҲТАШ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Негадир мақолани шундай номлагим келди. Зеро, илм ҳам қалбларга нур улашади, зиё ташийди! Буни қарангки, жонажон Ватанимиз Мустақиллиқни қўлга киритганига ҳам оз эмас, кўп эмас, 29 йил бўлибди. Мен ўшанда 15 ёшни тўлдирган эканман. Раҳматли отам барчамизни бағрига босиб, табриклагани, “Тугшунасизларми, ниҳоят юртимиз ҳам мустақил бўлди, энди ҳаммаси яхши бўлади”, деб ҳаддан зиёда руҳланган ҳали-хануз кўз ўнгимда.

Отам кўпلى одам эди. Умрининг охири йилларигача педагогик соҳасидан нари кетолмади. Ўзини шу соҳа ривожига бағишлади. Умрининг аксарияти йилларини Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 24-ўрта мактабнинг директорлигида ўтказди. Дастлаб Оқтов тизмаси этагиди жойлашган Бешбола қишлоғидagi ғарбгина мактаб биносининг янгилинишида қарбозлик кўрсатди.

— Афсусли, мустақиллик қандай неъмат эканини ҳали барчамиз тўлиқ тушуниб етолганимиз йўқ, — дерди отам баъзида ҳўрсиниб. — Мустақиллик — ўз номи билан мустақил ҳаёт демакдир. Тўғри, бироз муаммолар юзага келади, аммо ҳаммаси ўзингники! Бу қандай яхши!

Бизнинг хонадонимизга марказий газета-журналларнинг аксарияти борар эди, деса-м мулобага бўлмаса керак. Қолаверса, уйимизнинг бир хонасини кутубхона учун ажратган эдик. Китобларимиз катта жавобини-мизга сийма қолган, ўша йиллари ўзимча усталиқчи қилиб, ёғочдан китоб тоқчалари ясаганим ҳам эсимда. Хуллас, мана шу китоблар, газета ва журналлар ҳамда отамнинг ўғитомуз мулоҳазалари, кўрсатган йўл-йўриқлари мени иқодга йўллади. Бугунги кунда иқодкор сифатида нимагадир эришган бўлсам, буларнинг барчасида отам раҳматлининг зиёли ва, албатта, ватанпарвар инсон бўлганлиги асосий роль ўйнаган, дея оламан.

Дарвоқе, ҳозир айтадиган сўзимиз ҳам айнан ватанпарварлик ва зиёлилик хусусида бўлади. Бизнинг беназир ақдоқларимиз, ҳеч иқиланишсиз айтиш мумкинки, ҳар бир соҳанинг, ҳар бир фаннинг аввалига ўз номларини муҳлолай олишган. Тиббийё деисизим, илми нукум дейсизми, аниқ фанлар ёинки диний маориф дейсизми... Бу сафни узоқ давом эттириш мумкин.

Мана шундай фахру ифтихорга тўлиб турган бир пайтда (агарда ажабланмасангиз) худбин кайфиятим билан сизларни таништирмоқчиман. Шу десангиз, яқинда ижтимоий тармоқларда дунёнинг энг нуфузли университетлари номи эълон қилингани ҳақида хабар ўқиб қолдим ва, табиийки, ўша рўйхатдан ўз Ватанимиздаги ОТМини ахтара бошладим. Афсус, биз бу борада дунёнинг кучли ТОП-1000 талигидан ҳам ўрин ололмабмиз. Бу рўйхатта Россиянинг 28 та, қўшни Қўзғоистон Республикасининг 10 та ОТМси муносиб қўрилибди. Рости, алам қиларкан.

Ўбекнинг оташин куйчиси, халқ шоири Муҳаммад Юсуф иқодидида ҳам айни менинг кайфиятимда туриб ёзилган биткилар учрайди:

...*Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин,
Ё худбинман, ё бир содда касман мен.
Паржининг энг гўзал рестораниларин —
Битпта тандиринга алишмасман мен.*

*Сен билан ўтган ҳар кун — байрам, базм,
Сенсиз бир он қолсам ваҳшим келади.
Сени биланларга қиламан таъзим,
Сени билмасларга раҳим келади!*
Халқаро тан олинган ОТМлар рўйхати қайси бир мезонларга асосланган ҳолда тузилган — бу менга қоронгу. Аммо шунчи комил ишонч билан айта оламаники, биз борини ҳам муносиб тарзда олам аҳлига намойиш қила олмаямиз. Зеро, юртимиздаги кўпгина университетлар кўрсаткичи халқаро тан олинган ОТМлардан асло кам эмас. Шулардан бири, шубҳасиз, Самарқанд давлат университети ҳисобланади.

Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ўз биткиларида “Қудратимизга шубҳангиз бўлса, биз қурган иморатларга боқин”, дея дунё аҳлига сўз айтади. Дарҳақиқат, қадимий Самарқанд, кўнча Бухоро ва Хива шаҳарларидаги юзлаб меъморий обидалар ҳали-хануз олам аҳлининг ҳайрат нигоҳларига чулганган.



Бироқ афсус билан айтиш керакки, булар фақат сақланиб қолганлари, холос. Қанча қирғинбарот ва талотўллар исканжасидан омон чиқиб, бугунги “тамаддун медалари” сифатида қўрилаётган осмонлар ойнаванд қирғинлар олдиди ҳам ўзининг қўрку таровати, улугворлигига салобати билан ажралиб турган умрбоқий обидалар, минорано мадрасалар, макбараларни санаб адоғига етиш қийин.

Дарвоқе, гапимизда мадраса сўзини ҳам қўлладик. Демак, мадраса бор экан, у ерда фозилу зоҳид мударрислар бўлишган ва опис-яқиндан илм истаб келган қанақадан-қанча толибларга дарс берилган. Хусусан, Марказий Осиёда қадимий даврлардан фаолият юритган билим масканлари — мадрасалар ўз даврининг олий таълим муассасаси, яъни университетлари мақомиди бўлган, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Тарихий манбаларга таянадиган бўлсак, X асрнинг охири-ларига келиб айнан Самарқанднинг ўзида 17 та мадраса фаолият юритганлиги ойдинлашади. Булар орасида олий мадраса мақомига эга дорилфунунлар ҳам мавжуд бўлганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Бугунги Ватанимиз ҳудудлари тарихан Буюк Ипак йўлининг маркази ва унинг турли тармоқлари кесилган нуктада жойлашгани учун Шарқ ва жаҳоннинг барча мамлакатларидан диний ва дунёвий билим олиш истагидида инсонлар Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона каби кўнча маданият марказларига интиланликлари тарихий ҳақиқат. Имом Бухорий, Имом Мотуридид, Баҳоуддин Нақшбанд сингари мутафаккирларнинг, ал-Хоразмий, ал-Беруний, Ибн Сино, ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбек каби қомусий олимларнинг илмий-фалсафий қарашлари ҳамда бебаҳо илмий мерослари мадраса таълими асосида яратилгани, мадрасалар ўз даврида дунё фани, маданияти ва маънавиятига олим ва фузаларни еттиштириб берган таълим ва билим маскани бўлгани аён.

Соҳибқирон Темур ва теурийлар Ренессанси даврида Мовароуннахр ва Хўросонда, хусусан, пойтахт Самарқандда фан ва маданиятнинг мисли қўрилмаган тарзда юксалиши бу даврда мамлакатнинг йирик шаҳарларида олий мадрасалар қўрилгани, бу таълим мас-

канларида эса етук алломалар ва мударрислар фаолият кўрсатгани билан узвий боғлиқ. Айниқса, 1420 йилда Мирзо Улуғбек томонидан таъсис этилган мадраса ўзининг қўлами, салоҳияти ва олий мақоми билан Шарқда жуда тез шўҳрат қозongan эди. Унда дунёвий, айниқса, аниқ фанларнинг мукаммал ўқитилиши ва шу йўналишларда ўтказилган тадқиқотлар қўламининг кенглиги, илмий-педагогик кадрларнинг юксак маҳорати билан бошқа олий мадрасалар таҳсилидан тубдан фарқ қилар эди. Мирзо Улуғбек қурдирган олий мадраса ва унинг қошида барпо этилган расадхона ўзининг меъморий бетақорлиги, деворларида акс этган етти иқлим ҳаритаси ва юлдузли осмон чизилган бу ишоотлар ҳақли равишда ўрта асрлардаги Самарқанд мадрасаларининг рамзига айланган эди.

Самарқандлик тарихчи олимлар Шокир Ғафоров ва Олимжон Ирискулов томонидан муфассал ўрганилиб, билдирилган қуйидаги мулоҳазалар фикрларимизни тўлақонли қўлаб-қувватлайди:

...“Шарқ ренессансининг иккинчи даври теурийлар даврига тўғри келиб, бунда Самарқанд илм-фан марказига айланди. Амир

Самарқанд давлат университети
Мирзо Улуғбек олий мадрасасининг
бевосита вориси бўлиб, унинг таъсис
этилиш тарихи ҳам 1420 йилга, Мирзо
Улуғбек олий мадрасасининг таъсис
этилиш даврига бориб тақалади

Темур даврида Бибиҳоним, Фирўзшоҳ, Муҳаммад Султон, Қутбиддин Садр мадрасалари бунёд этилди. Бу мадрасаларнинг қурилиши беҳиз эмасди. Чунки Амир Темур салтанатига асос солидиги, уни янада мустаҳкамлаш учун зарур бўлган амалдорлар, зиёлиларни еттиштиришга бўлган эҳтиёж ҳам пайдо бўлди. Иккинчидан эса Амир Темур муҳташам иморатлари, боғларини барпо этиш билан салтанатнинг улугворлиги, куч-қудрати ва иқтидори-ни намойиш этишни ҳам назарда тутган эди. У турли мамлакат ва ўлкалардан машҳур олим, табиб, ҳунарманд ва иқтидори баянд мутахассисларни ўз пойтахти Самарқандга олиб келган. Шунинг учун Самарқандда Мовароуннахр, Хўросон, Рум, Эрон, Шом, Ҳиндистоннинг турли шаҳар ва кентларидан бўлган ўз даврининг машҳур инсонлари тўпланишган”.

Мирзо Улуғбек мадрасасида иқод қилган Қозизода Румий, Ғийсиддин Жамшид Коший ва Али Қўшчилар ўз даврининг академиклари бўлган. Қозизода Румий Улуғбек мадрасасида дарс бериш билан бир қаторда математика ва астрономия соҳасида илмий изланишларни ҳам олиб борган.

Самарқанд илмий мактаби ва Улуғбек мадрасаси тўғрисида Кошийнинг отасига ёзган хати қимматли манба ҳисобланади. Унда Самарқанддаги илмий муҳит ҳақида баён этилган бўлиб, Улуғбекнинг илмий заковати юксак баҳоланган. Кошийнинг хатида Мирзо Улуғбек мадрасасининг ўқитиш тизими, дастурлари, баҳолаш мезони ва вақф мулклари тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилган.

Мирзо Улуғбек мадрасасида фаолият кўрсатган ва Самарқанд астроном олимларининг энг забардастларидан бири Али Қўшчидир. У шарқ ва ғарб фанларини бир-бирига боғлаган ҳолда таҳлил қилди ҳамда асарлар яратди. Мирзо Улуғбек мадрасасининг машҳур вақили ҳисобланган Али Қўшчи XV асрнинг 60-йиллари охириларида Истанбулга бориб, Истанбул мадрасасига биринчи мударрис бўлган. Бу даврда Самарқандда яратилган асарлар дунё илм-фанига, айниқса, астрономия, аниқ ва табиий фанларнинг тараққиётига улкан ҳисса қўшди.

XIV-XV асрларда теурийлар даври олий таълим тизимидаги мадрасалар ҳақиқатан

ҳам ўз даврининг университетлари ҳисобланган. Аштархонийлар даврида Ялангушбей Баҳодир томонидан Самарқандда Регистон майдонида яна иккита мадраса — Шердор ва Тиллақори қуриб битказилди.

Том маънода айтадиган бўлсак, Регистон майдони XV асрдан бошлаб XX асрнинг 20-йилларигача Талабалар шаҳарчаси бўлган. Бу шаҳарча 1927 йилда ҳозирги “Университет хиббони”га қўйрилди.

Мирзо Улуғбек мадрасасини жаҳондаги университетлар билан қиёслайдиган бўлсак, Европадаги Сарбонна, Оксфорд, Болонья, Кембриж университетлари XII-XIII асрларда дастлаб черковлар қошида вужудга келган мактаблар бўлган. Дунёвий илмларнинг ўқитилишига черков йўл бермаган. Самарқанддаги Мирзо Улуғбек мадрасасида, улардан фарқи ўлароқ, дунёвий илмлар ўқитилган ва илмий тадқиқот олиб борадиган алоҳида илмий лабораториялар бўлган. Мирзо Улуғбек мадрасасининг XX асрнинг 20-йилларигача фаолият кўрсатганлиги, узлуқсиз давомийлиги асосли далиллар билан келтирилган.

Айтиш мумкинки, Марказий Осиё минтақасидаги буюк тамаддунлар бир-бирининг манқийи давомии сифатида уртага чиққан, бу цивилизацияларнинг жон томирлари бўлган мадрасалар тизими ҳам даврлар оша ривожланиб, тақомиллашиб келган. Шу маънода Самарқанд давлат университети Мирзо Улуғбек олий мадрасасининг бевосита вориси бўлиб, унинг таъсис этилиш тарихи ҳам 1420 йилга, Мирзо Улуғбек олий мадрасасининг таъсис этилиш даврига бориб тақалади. Бу эса Самарқанд давлат университети Мирзо Улуғбек асос солган мадрасаи олиянинг бевосита давомчиси, деб ҳулоса чиқаришга асос бўлиб хизмат қилади. Зеро, тегишли манба-лар Мирзо Улуғбек мадрасаси фаолиятининг Самарқанд давлат университети ташкил топтуғна қадар узвий давом этганилини тасдиқлайди...

1941 йилда Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан университетга буюк ўзбек мутафаккири номи берилган эди. 1960 йилдан то 2016 йилга қадар дорилфунун Алишер Навоийнинг қўлуғ номи билан аталиб келинди.

Эндилкида юқорида келтириб ўтилган асосларга таянган ҳолда, Самарқанд давлат университетидаги Мирзо Улуғбек номини бериш тарихий ҳақиқатнинг тикланиши, шу билан бира, ҳақиқий ворисийлиқни таъминлаш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Юртимизда таълим тизимининг шаклланиши ва ривожланишини ўша даврлардаги мадраса — таълим муассасалари тарихи билан боғлаш давлатимиз раҳбарининг таълим соҳасида олиб бораётган ислохотларининг юксак намунасиғина бўлиб қолмай, у ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда илмий-маданий меросимизга юксак ифтихор руҳида тарбиялашга ҳам хизмат қилиши мумкин.

Сўзим сўнгигида бир сирни очай: бу даргоҳ дастлабки устозим — отам сиймоси сингари юрагимнинг тўрида, ардоғида! Зеро, отам ҳам, мен ҳам ўз вақтида Самарқанд давлат университетидаги беназир устозлар сабоғига мушарраф бўлганмиз. Бахтли талабалик даврим юртимиз мустақиллигининг дастлабки йилларига тўғри келгани билан ҳам аҳамият-ли мен учун. Жонқуяр устозлардан нафақат соҳавий билим олдик, балки шунинг баробарида одамийлик илмидан ҳам, мустақил юрт фарзанди зиммасидаги масъулият таҳсилдан ҳам баҳраманд бўлди! Бугунги ижкорлик ному нишонимда ҳам бу қўлуғ дорилфунуннинг ўрни беъис деб биламан! Фарзанд эркалиги йли мана шундай қўтлов сўзларни изхор эттим бор:

Табарруқ 600 ёшинг муборак бўлсин, қад-дон СамДУ! Сен фалақийёт илмининг пешвоси Мирзо Улуғбек Қўрагонийнинг Ердagi ёркин “Юлдузи”сан! Сендан таралган нур-зиё кун келиб, дунё қўларини қамаштиргай!

Абитуриент — 2020

ЭПИДЕМИОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ВА ИМТИҲОНЛАРНИНГ ШАФФОФ ЎТИШINI ТАЪМИНЛАШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ



Барно РАЖАБОВ,
Давлат тест маркази бошқарма бошлиғи

Президентимиз раҳбарлигида 6 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида тест синовларини ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, тест синовларини абитуриентлар ва назоратчилар учун эпидемиологик хавфсиз жойда ўтказиш кераклиги таъкидланди.

Ёпиқ бинолар эпидемиологик жиҳатдан талабга жавоб бермаслиги, ижтимоий масофага риоя қилинган тақдирда имтиҳонлар ўтказилиши вақти ҳам анчага қўзилиши инобатга олиниб, бу йил тест синовлари Тошкент ва Нўкус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларидаги стадионларда ҳамда очик майдонларда ташкил этилади.

Айни пайтда республика бўйича бир кунда 120 мингдан ортик абитуриентнинг тест синовидида иштирок этишини таъминлаш учун тайёргарлик ишлари олиб бори-лмоқда.

Абитуриентларнинг саломатлигини ўйлаб, стадионларда уларнинг ҳар бири учун кенгрок масофада жой ажратиш кўзда тутилмоқда. Пандемия шароитида очик майдонларда тест топшириш эпидемиологик хавфсизлиқни таъминлашга ёрдам беради. Чунки ташқарида табиий вентилляция мавжуд. Тест ўтказиш учун қирқта стадион (хиёбон) ва уларнинг 65 та сектори талаб қилинади.

“Пойтахтимизда бир кунда икки сменада 9 минг 930 нафар абитуриентни тест синовидан ўтказиш учун битта стадион ва бешта хиёбон танланди. Жумладан, Пахтакор стадиони, Миллий боғ, Талабалар шаҳарчаси, Ғалаба боғи, Ашхобод боғи ҳамда Ботаника боғида соя-салқин майдонлар олинди.”



Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида учта стадионда бир сменада 3 минг (бир кунда 6 минг) абитуриентнинг тест синовидида иштирок этиши режалаштирилмоқда.

Тест синовлари ўтказилади-ган стадионлар ва майдонларни тайёрлашда вазирликлар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар яқиндан ёрдам бермоқда. Жумладан, жойларни стол-стуллар билан таъминлаш, видеокузатув камераларини ўрнатиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, айниқса, пандемия шароитида абитуриентлар ва назоратчиларни ҳимоялаш чоралари қўрилмоқда.

Пандемия шароити инобатга олиниб, республика таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг

қарорига мувофиқ, тест синовлари билан бир қаторда касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказила-диган бакалаврият таълим йўна-лишлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар аввалги йилларда олинган мос фан бўйича тест си-новлари билан алмаштирилди. Мазкур таълим йўналишларини танлаган абитуриентлар касбий (ижодий) имтиҳонларни топши-риш учун олий таълим муассасаларига бормасдан, бир марта тегишли фанлардан тест синов-ларини топшириш имкониятига эга бўлмоқда.

Ҳар бир худуд навбатчи тез тиббий ёрдам машинаси билан таъминланади. Бинога кириш-дан олдин абитуриентлар де-зинфекция йўлагидан ўткази-лади. Уларнинг тана ҳарорати ўлчаниб, ҳар бир йигит-қизга алоҳида янги тиббий қўлқоп ва ниқоб берилади. Агар талаба-ликка даъвогар карантинда бўл-са, тест синовларида иштирок этолмайди.

Қолаверса, стадионда абитуриентлар ўтирадиган столлар-нинг имкон қадар бир-бирдан узоқрок масофада бўлиши, ҳар бир иштирокчига олти квадрат метр атрофида жой ажратилиб, ижтимоий масофа сақланиши таъминланади. Жараёнда асо-сий эътибор абитуриентлар ва назоратчиларнинг саломатлиги-ни таъминлашга қаратилади.

Имтиҳонлар олдинги йил-лардаги каби шаффофлик ва холислик таъминланган ҳолда ташкил қилинади. Абитуриент-ларни имтиҳонга киритишда ва шахсини аниқлашда шахсини идентификациялаш воситала-ри (видеофиксация, бармоқ изи сканери)дан фойдаланилади.

Жараёнлар тўлиқ видеотас-вирга олинади ҳамда онлайн трансляция қилинади. Бу, ўз ўрнида, тест синовларининг шаффоф ўтиши, кейинчалик имтиҳон жараёнига тааллуқли бирор масалани муҳокама қи-лишга тўғри келиб қолса, асос ва исботлар керак бўлиши нуктаи назаридан, мақсадга мувофиқ. Умуман олганда, эпидемиологик хавфсизлик ва имтиҳонларнинг шаффоф ўтишини таъминлаш — бош мақсадимиз.

Ҳар бир столда абитуриент-лар учун жавоблар варақасини тўлдириш бўйича кўрсатмалар бўлади. Стадионларда тест вақти қачон туғаши ҳақида маълумот бериб борилади. Шунингдек, ҳар бир абитуриентга алоҳида сув ва рўзча берилади.

Тест синовлари бошланиши-дан ўн кун олдин Давлат тест марказининг сайтида ҳар бир абитуриентнинг шахсий кабине-тида абитуриент рухсатномаси қўйилади. Рўйхатдан ўтганда қўрсатилган телефон рақамига бу ҳақда хабар берилади.

Абитуриентнинг тест синовиди тўлаган баллари ҳақидаги маъ-лумот тест синовий ўтказилган кун-нинг эртасига, унинг талабалikka тавсия этилгани ёки этилмагани бўйича белгиланган тартибда тасдиқланган танлов натижаси тест синовлари ўтказиш жараёни тўлиқ аюқланганидан кейин бир ҳафта мuddат ичида Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.